

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

«Банк – молия хизматлари» факультети

«Банк ва жамғарма ишлари» кафедраси

«Химояга тавсия этилди»

Кафедра мудири

_____доц. Ниёзов З.Д.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Тижорат банкларида қимматли қоғозлар бўйича пасив
операциялар”**

Бажарди_БИ-207___гуруҳ_талабаси_Мамасолиев Зафар

Илмий_рахбар_И.Ф.Н_ Ниёзов З.Д.

Самарқанд - 2011 йил

Химоя вақти «_29_»_ июн_ 2011 йил

ДАК баҳоси_____

ДАК қарори_____

ДАК раиси _____

ДАК аъзолари

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

«Банк ва жамғарма ишлари» кафедраси

«Тасдиқлайман»
Кафедра мудири
доц. Ниёзов З.Д.
« 29 » _____ июн _____ 2011 й.

Битирув малакавий иши бўйича Банк-молия
_____ хизматлари _____ факультетининг
Банк иши _____ йўналиши 4 курс
талабаси Мамасолиев Зафар га

Топшириқ

1. Битирув малакавий ишнинг мавзуси **Тижорат банкларид ақимматли қоғозлар бўйича пассив операциялар**

2. Институт ректори буйруғи билан битирув малакавий иш мавзусининг тасдиқланган санаси ва рақами _____

3. Битирув малакавий иш бўйича бирламчи маълумотлар

4. Битирув малакавий иш режаси ва бажариш муддатлари:

Тартиб рақами	Битирув малакавий иш бўлимлари	Бажарилиш муддатлари
1 боб	Қимматли қоғозлар эмиссиясининг назарий асослари.	январ - феврал
2 боб	Қимматли қоғозлар билан банк операцияларини ўтказиш	март - апрел
3 боб	ОАТБ “Агробанк” қимматли қоғозлар билан пассив операцияларни амалга оширишда юзага келаётган муаммолар	апрел - Май
4 боб	Хаёт фаолияти хафсизлиги	май - июн
5	Хулоса	- « -
6	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	- « -

Топшириқ берилган сана _____

Битирув малакавий ишни топшириш муддати _____

Битирув малакавий иш раҳбари _____

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЛАР БЎЙИЧА ПАССИВ ОПЕРАЦИЯЛАР

Мундарижа:

Кириш

I. боб Қимматли қоғозлар эмиссиясининг назарий асослари.

1.1 Тижорат банки инвестиция сиёсати инструментларида
пассив операцияларни тутган ўрни.

1.2 Банкларнинг қимматли қоғозлари ва улардан фойдаланиш.

II. боб Қимматли қоғозлар билан банк операцияларини ўтказиш

2.1 Қимматли қоғозлар бозорида банкларнинг профессионал
иштирокчи сифатидаги операциялари

2.2 Банкларнинг қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари
уюшган бозоридаги операциялари

2.3 Ўзбекистан Республикаси валюта биржасида банкларнинг
давлат қимматли қоғозлари билан операциялари

2.4 Республика банкларининг бозор капиталлашуви

III-боб ОАТБ “Агробанк” қимматли қоғозлар билан пассив операцияларни амалга оширишда юзага келаётган муаммолар

3.1 “ОАТБ Агробанк қимматли қоғозлар бўйича эмиссия сиёсати”

3.2 ОАТ «Агробанк»нинг эмиссия фаолиятининг мақсади ва
стратегияси.

3.3 ОАТ «Агробанк»нинг фонд бозоридаги фаолиятининг таҳлили

IV-боб Хаёт фаолияти хавфсизлиги

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Банк – бу тижорат ташкилоти бўлиб, юридик ва жисмоний шахслардан омонатларни қабул қилиш, олинган мабалағлардан ўз таваккалчилиги ва хатари остида кредитлаш ёки инвестициялаш, шунингдек, тўловларни амалга ошириш учун фойдаланадиган юридик шахсдир. Ўзбекистонда банклар фаолияти, жумладан, уларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” ҳамда “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунлар билан тартибга солинади. Бизнинг давлатимизда кўпгина ривожланган давлатлардаги каби, икки поғонали банк тизими мавжуд бўлиб, уни бошқа банклар фаолиятини тартибга солиб турувчи, ҳукуматнинг "банкчиси" вазифасини ўтайдиган ва пул муомаласини тартибга солиб турувчи, "банклар банки" бўлган Марказий банк бошқариб туради (биринчи поғона). Тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектларга кредит - ҳисоб - китоб юритиш хизматларини кўрсатади, улар пасив (ўз шахсий ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган), актив (омонатларни жойлаштириш операциялари) ҳамда воситачилик (кредит билан боғлиқ бўлмаган) операцияларини амалга оширади (иккинчи поғона).

Ўтиш даврида банклар бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида қимматли қоғозлар бозорида фаолият кўрсатиш учун энг қулай шарт - шароитларга эга бўлди ва ҳозир ҳам ана шундай шароитларга эгадир. Биринчидан, анъана бўйича, банкларда фонд бозори тўғрисида тасаввурга эга бўлган юқори малакали кадрлар тўпланган. Иккинчидан, банклар тўғрисидаги қонунчиликнинг ўзи тижорат банкининг фаолиятини акциядорлик жамияти, яъни муомалага қимматли қоғозларни ва авваламбор акцияларни чиқариб турувчи эмитент сифатида тартибга солиб туради. "Ўзбекистонда биринчи йирик эмитентлар – акциядорлик жамиятлари айти шу тижорат банклари бўлган. Учинчидан, одатдаги корхона ва ташкилотлар билан солиштирилганда, банклар катта миқдорда ўз маблағлари ва қарз ресурсларини тўплаганлар, улар ўз навбатида, фонд бозорида йирик сармоядор сифатида қатнашиш учун шарт – шароитлар яратади. Ниҳоят, республика

конунчилиги банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини бирон – бир тарзда чекланмаган ва айтилиши вақтда банклар ўз мижозларининг молиявий —хўжалик фаолияти тўғрисида энг кенг маълумотларга эга бўлган, бу эса уларга бундай маълумотларни олишга ҳуқуқи чекланган одатдаги сармоядорлар олдида имтиёзлар берган.

Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида тутган алоҳида мавқеи шундан иборатки, улар бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли равишда, ушбу бозор қатнашчиси сифатида бир вақтнинг ўзида бир неча вазифаларда, хусусан: акциялар, депозитлар ва омонат (жамғарма) сертификатлар ҳамда банк векселлари эмитентлари сифатида; бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат қимматли қоғозларини сотиб олувчи сармоядорлар сифатида; ўз мижозларига маслаҳатлар берадиган, депозитар операцияларини бажарувчи, қимматли қоғозларга инвестициялар қилиш учун уларга берилган қимматли қоғозлар ва пул маблағларини бошқариш бўйича хизматлар кўрсатадиган инвестиция муассасалари ва х.к. сифатида қатнашиши мумкин. Айтилиши вақтда тижорат банклари фонд бозори умумий инфратузилмасининг унсуридир ва бу вазифада уларнинг роли ниҳоятда катта, чунки амалда қимматли қоғозлар бозорининг ҳар бир иштирокчиси банкнинг хизматисиз иш тутолмайди, чунки у ҳисоб – китоб рақами ва бошқа ҳисобрақамларини очади, уларда пул маблағларини, жумладан қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар учун ишлатиладиган маблағларини сақлайди.

Тижорат банкларининг мамлакат қимматли қоғозлар бозорининг шаклланишига ортиб бораётган эътибори, миллий иқтисодиётнинг инвестицияларга бўлган тобора ўсиб борувчи эҳтиёжлари билан узвий боғлиқдир, чунки уларсиз ижтимоий ишлаб чиқаришни чуқур қайта қуриш, экспорт салоҳиятини ўстириш ва аҳолининг турмуш даржасини ошириш мумкин эмас.

Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида фаоллашувининг муҳим омили – уларнинг устав ва айланма фондларига ўз қимматли қоғозлари

эмиссияси асосида қўшимича ресурсларни жалб этишда эҳтиёжнинг кучайиб бораётганидир.

Нихоят, банклар учун қимматли қоғозларнинг самарали тўлов воситаси – гаров сифатидаги роли тобора ўсиб бораётгани катта аҳамиятга эга бўлиб, бу – ўтиш даврида айниқса **долзарблиги мавзу устида изланиш олиб боришни такозо этади.**

Қимматли қоғозлар бозоридан банкларнинг фаоллашувига сабаб бўлган энг муҳим шарт – шароитларга **қуйидагиларни вазифа килиб киритиш мумкин:**

- Ўзбекистонда амал қилаётган қонунчилик бўйича тижорат банклари қимматли қоғозлар билан ҳар қандай турдаги операцияларни амалга оширишдаги қатнашишига йўл қўйилади;
- банкларнинг нисбатан барқарор молиявий аҳволи ва банк операцияларининг юқори даромадлилиги уларни банк хизматларининг янги турларини, хусусан қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган кўпгина операцияларини ўзлаштиришга катта молиявий ресурсларни ажратиш учун имкон беради;
- банкларда мавжуд бўлган техник, ахборот ва кадрлар салоҳияти, шуъба банкларининг кенг тармоғи ва мижозлар базаси уларни қимматли қоғозлар бозорининг энг қобилиятли қатнашчиларига айлантиради;
- банклар билан бошқа молиявий – иқтисодий муассасалар ўртасидаги кучайиб бораётган рақобат, кўпгина анъанавий банк хизматларини кўрсатишдан кўриладиган фойданинг пасайиб бориши, банкларнинг ўз фаоллиги диққат марказини қимматли қоғозлар бозори соҳасига кўчиришга мажбур қилмоқда.

Юқорида қайд этилган шарт – шароитлар ва қулай омилларнинг мавжудлиги банклар олдида қимматли қоғозлар бозоридаги иш фаолияти кўламини кенгайтиради.

II. Қимматли қоғозлар эмиссиясининг назарий асослари.

1.1.Тижорат банки инвестиция сиёсати инструментларида пассив операцияларни тутган ўрни.

Банклар – ўзига хос ноёб муассасалар бўлиб, амалда фонд бозорининг барча воситалари, акциялар, давлат қисқа муддатли облигациялари, депозит ва депозит сертификатлари, векселлар билан ишлашни ўзлаштириб олиб, бугунги кунда улар қимматли қоғозлар бозорида эмитентлар, сармоядорлар ва инвестиция муассасалари сифатида чиқмоқда. Демак, бундан кейин ҳам республика қимматли қоғозлар бозори ривожланиши билан банкларнинг бу соҳадаги мавқеи тобора кучайиб бораверади.

1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ “қимматли қоғозлар – бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкӣ ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқловчи дивиденд ёки фоиз кўринишида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсга бериш имкониятини назарда тутувчи пул ҳужжатлардир”. Юқорида қайд этилган қонунга кўра, қимматли қоғозлар акциялар, облигациялар, хазина мажбуриятлари, депозит ва жамғарма сертификатлари, векселлар, шунингдек, ҳосила қимматли қоғозлар киради.

Қимматли қоғозлар – бу ҳужжат шаклидан ёки ихтисослаштирилган ташкилотлардаги ҳисоб рақамларда ёзувлар кўринишида алоҳида усул билан тасдиқланадиган, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қарз ёки акциядорлик капитали шаклида жалб этиладиган маблағларни жалб қилиш, қайта тақсимлаш ва қайтариб тўлаш соҳасидаги мулкӣ ҳамда у билан боғлиқ номулкий ҳуқуқлардир.

Қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозларнинг барча турлари ҳам муомалада бўлавермайди, яъни уларнинг ҳаммаси ҳам бозордаги битимларнинг предмети бўлаолмайди. Эмитентлар томонидан бизнесни ташкил этиш ва ривожлантириш учун капитали жалб қилиш мақсадида барча

қимматли қоғозлар учун бир хил бўлган сериялар билан чиқарилган қимматли қоғозлар эмиссия қимматлари қоғозлари ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда, одатда, эмиссия қимматли қоғозлари тушунчаси ва турлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Биринчи гуруҳ. Бу уларни чиқариш ва муомалада бўлиши шартлари Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси туғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинадиган қимматли қоғозлардир. Бунга акциялар, облигациялар, хазина мажбуриятлари, депозит сертификатлари, векселлар, ҳосила қимматли қоғозлар киради. Бундан ташқари, ЎзР Фуқаролик Кодексига биноан, ушбу гуруҳга чеклар, банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчалари, коносаментларни киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳ. Қимматли қоғозлар бўлмаган, аммо кўпинча хатолик билан улар жумласига киритиладиган молиявий воситалар: банк кредитини олишни тасдиқловчи ҳужжатлар, қарз тилхатлари, васиятномалар, суғурта полислари, лотерея чипталари. Бунга, шунингдек, уларни чиқариш ва муомалада бўлиши ўз кучини йўқотган меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинадиган, лекин ҳалигача аҳолининг қўлида мавжуд бўлган, - корхоналар акциялари ва меҳнат жамоасининг акциялари каби молиявий воситалар ҳам киради. Уларни чиқариш ва муомалада бўлиши собиқ Совет Иттифоқи Вазирлар Кенгашининг 1988 йил 15 октябрдаги “Корхоналар ва ташкилотлар томонидан қимматли қоғозларни чиқариш туғрисида”ги Қарори билан тартибга солинар эди.

Қимматли қоғозлар квазаси масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш керак, у суррогатлар, деб номланади ва жаҳон амалиётида кенг қулланилади. Уларни чиқаришдан мақсад - давлат томонидан тартибга солинишидан, у ёки бу қонуний меъёрлар таъсирига тушиб қолишдан ўзини четга олишдир. МДХ мамлакатлари амалиётида “чек картаси”, “ҳисоб–китоб сертификати”, “депозит шартномаси”, “кредит опцион” ва шу каби қоғоз квазалари тез–тез

учраб туради. Бу суррогатлар - ноқулай аҳволда тартибга солинадиган ҳужжатлар бўлиб, улар бўйича хатарлар сармоядорлар ва эмитентлар учун қимматли қоғозларга қараганда анча юқори, уларни чиқариш ва муомалада бўлиши қонун билан тартибга солинади.

Табиийки, амалдаги қонунчиликда қайд этилган юқорида санаб ўтилган қимматли қоғозлар турлари доимий рўйхат бўлиб қолади, десак хато қиламиз. Вақт ўтиши билан, равшанки, янги молиявий воситалар пайдо бўлади ва юқорида келтирилган рўйхатни тўлдиради.

Қимматли қоғозларнинг асосий хусусиятларига айланувчанлик, ликвидлилик ва хатар киради.

Айланувчанлик – бу қимматли қоғознинг бозорда харид қилинишга ва сотилишга, шунингдек, кўпчилик ҳолларда бошқа товарлар муомаласини осонлаштирувчи мустақил тўлов воситаси сифатида қўлланишга қодирлигидир. Барчага маълум бўлган П – Т (пул – товар), Т-П (товар – пул) метафорфозаларда қимматли қоғозлар ҳам товар сифатида, ҳам пул сифатида қатнашиши мумкин. Қимматли қоғозлар маълум маънода товар ҳисобланади, у ўз қийматига ва истеъмол қийматига эга. Ушбу алоҳида турдаги товарнинг қиймати бир қанча омилларга боғлиқ, масалан, улар томонидан келтириладиган даромаднинг ҳажми, ссуда фоизининг меъёри, нисбатан юқори курс бўйича сотилиши мумкинлиги, корхонани бошқаришда иштирок этиш имконияти ва ҳоказолар. Қимматли қоғозларнинг истеъмол қиймати шундан иборатки, улар орқали қимматли қоғоз эгаси ўз капиталини ошириш, сақлаш, корхонани бошқаришда иштирок этишдаги аниқ талабларини қондиради. Шу билан бирга, баъзи ҳолатларда қимматли қоғозларнинг алоҳида турлари (давлат облигациялари, векселлар) маълум бир қулай вазиятларда пул вазифасини - муомала ва тўлов воситасини ҳам бажариши мумкин. Маълумки, айрим мамлакатларда кўчмас мулк, автомобил ва бошқалар билан ҳисоб-китоб қилиш чоғида юқори ликвидли давлат облигацияларидан тўлов воситаси сифатида фойдаланилади.

Ликвидлилик — бу қимматли қоғознинг унинг эгаси учун деярли зарар келтирмаган ҳолда тез сотилиши, пул маблағларига айланиши қудратидир.

Ликвидлиликка таъсир кўрсатадиган омиллар учта гуруҳга: а) умум-иқтисодий омиллар; б) мазкур мамлакатда қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилиш даражаси билан боғлиқ омиллар; в) эмитентнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ омиллар. Умумиқтисодий омилларга пул муомаласи, иқтисодиётни даврнинг у ёки бу босқичида бўлиши, сармоядорлар томонидан тўловга қодир талабнинг мавжудлиги, банк ҳисоб - китобларини амалга ошириш тезлигининг даражаси кабилар киради. Фонд бозорини ташкил этиш билан боғлиқ омилларга имкониятли сармоядорларнинг ахборотга эга бўлиш даражаси, маркет - мейкерлар муассасасининг мавжудлиги, бир транзакция қийматининг миқдорини киритиш мумкин. Алоҳида эмитент даражасида қимматли қоғозларнинг ликвидлиги, аввало, унинг молиявий аҳволига, амал қилиши муддатига, зарарсиз фаолият кўрсатишига, тўланадиган даромадларнинг миқдorigа, ривожланиш тахминлари ҳамда истиқболларига ва ҳоказоларга боғлиқ. Сўзсиз, бу маънода фонд биржаларида баҳоланадиган қимматли қоғозлар энг юқори ликвидли қимматли қоғозлар бўлиши табиий.

Хатар — қимматли қоғозлар (шу жумладан, инвестициялар билан) операциялари билан боғлиқ йўқотишлар ва муқаррар равишда уларга хос эҳтимоллардир. Қимматли қоғозлар операцияларига доир хатарлар қандайдир бир операцияни бажаришда кўпгина тасодифий омилларнинг унга таъсири туфайли исталган натижага эга бўлмаслик эҳтимоли билан боғлиқ. Ушбу бозордаги деярли ҳар қандай операция унинг иштирокчилари (эмитентлар, сармоядорлар ёки воситачилар) у ёки бу хатар даражасини ўз буйнига олишини англатади. Эндигина ўзининг фонд бозорларини ташкил этаётган мамлакатларда бозорлар иштирокчилари учун хатарлар бозор муносабатларининг кўп йиллик тарихига эга бўлган мамлакатлардагига қараганда бир неча марта юқори. Фонд бозоридаги фаолият хатарнинг турли хиллари билан боғлиқ. Шунинг учун қимматли қоғозлар бозорининг

профессional иштирокчиларига ўз фаолиятида хатарларнинг турли хилларини инобатга олишига тўғри келади, булар: инфляция жараёнлари, тармоқлар ва минтақаларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ макроиктисодий хатарлар: эмитентнинг тўловга қодирлиги ва кредит қобилияти билан боғлиқ корхонанинг хатарлари; портфелни бошқариш хатарлари ва техникавий хатарлар, уларга вақтинчалик, операцион, селектив хатарлар, ҳисоб - китобларни тартибга солиш билан боғлиқ хатарлар ва хоказолар киради. Ривожланган мамлакатлар амалиёти хатарнинг ҳар бир турига қарши турувчи суғурталаш шакллари ва усуллари ишлаб чиқди. Собиқ Иттифок ҳудуди мамлакатларида қимматли қоғозлар операциялари билан боғлиқ хатарларни суғурталаш ҳозирча етарли даражада ривожланмаган. Бундай хатарларни суғурталаш - қимматли қоғозлар бозори ва суғурта ишининг бирлашишидаги энг муҳим фаолият соҳаларидан бири ҳисобланади, уни мамлакат амалиётида жуда яқин вақт ичида узлаштириш вазифаси турибди.

1.2. Банкларнинг қимматли қоғозлари ва улардан фойдаланиш.

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, қимматли қоғозлар Ўзбекистонда ҳисоб - китобларни амалга ошириш учун, шунингдек, кредитлар бўйича гаров сифатида фойдаланилиши мумкин. Тўлов шаклидан қатъий назар қимматли қоғозлар Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги - сўмда ифодаланади.

Акциялар

Акция (французча акцион сузидан) — бу акциядорлик жамиятининг устав фондига муайян ҳисса қўшганликдан гувоҳлик берувчи, унинг эгасига

фойданинг бир қисмини олиш ва одатда, ушбу жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғоздир. Акция ўзининг фақат унга тегишли сифатлари билан ҳар хил турдаги қимматли қоғозлар ичида алоҳида ўрин тутати.

Энг аввало бу - амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли қоғоз бўлиб, у уни чиқарган акциядорлик жамияти амал қилиб турган вақт мобайнида муомалада бўлиши мумкин. Акция эгаси акциядорлик жамияти тугатилган ҳолларда унинг мол - мулкни тақсимлашда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Акциялар бўйича олинган даромад - *дивиденд*, деб номланади. Дивиденд, одатда, акциядорлик жамиятининг фойдасига боғлиқ бўлади. Агар компания ҳисобот йили натижаларига кўра катта фой — дага эга бўлса, унда катта дивиденд тўлаш имконияти бўлади ва аксинча. Агарда фойда мутлақо бўлмаса, дивиденд тўланмаслиги мумкин. Бироқ умумий қоидалардан истисно ҳоллар ҳам мавжуд. Бу масалан, имтиёзли акцияларга тегишли, улар куйирокда куриб чикилади.

Одатда, кредит курули бўлган ва кредит муносабатларини ўзида акс эттирган бошқа қимматли қоғозлар турлари (облигациялар, ҳазина мажбуриятлари, депозит сертификатлари, векселлар)дан фарқли уларок акция мулкий муносабатларни тартибга солувчи воситадир. Унинг эгаси компания акциядорларининг умумий йиғилишида у ёки бу қарорга ўз овозини берган ҳолда акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Акцияларга номинал қийматнинг белгиланиши фонд бозори эндигина ривожланиб бораётган Ўзбекистон учун ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Бу, биринчидан, номинал қиймат қимматли қоғоз эгасига айнан руҳий таъсир кўрсатади ва унга бу оддийгина мавҳум мажбурият эмас, балки маълум бир миқдордаги мулк унвон, деб ҳисоблашга асос беради. Бундан ташқари, чиқарилган акцияларнинг номинал қийматидан акциядорлик жамиятининг устав сармояси вужудга келади. Акцияларни номинал қийматсиз чиқариш,

шубҳасиз, ҳисобга олишда қийинчиликлар туғдирган булар эди. Ва, ниҳоят, акцияларни иккиламчи бозорда сотишда номинал ҳамда курс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ имкониятли сармоядор учун компаниядаги ишлар аҳволига нисбатан айрим хулосаларни чиқариш имконини беради, бу қимматли қоғозларни харид қилиш ҳақида қарор қабул қилишда жуда муҳимдир.

Турли мамлакатларда акцияларнинг энг кам (минимал) номинал қийматлари турлича белгиланган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, акциянинг энг кам номинал қиймати - 100 сўм.

Ўзбекистон ҳудудида чиқариладиган акциялар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Очiq акциядорлик жамиятларининг акциялари, улар очiqчасига муомалага чиқарилади ва кейинчалик бошқа акциядорларнинг розилигисиз қўлдан - қўлга ўтиши мумкин, ҳамда ёпиқ акциядорлик жамиятларининг акциялари, булар бирламчи жойлаштирилишда олдиндан ажратиб олинган сармоядорлар ўртасида тақсимланади ва фақат компания умумий йиғилишининг розилиги билан қўлдан қўлга ўтиши мумкин.

2. Эгасининг номи ёзилган ва кўрсатувчи эгалик қиладиган акциялар. Эгасининг номи ёзилган акцияларда улар эгасининг фамилияси мажбурий тарзда кўрсатилиши шарт, агар уларнинг эгаси юридик шахс бўлса, ташкилотнинг номи кўрсатилади. Кўрсатувчи эгалик қиладиган акцияларда улар эгасининг номи кўрсатилмайди. Бу ушбу акцияларнинг фонд бозорида муомалада бўлиши хусусияти билан изоҳланади. Акциядорлик жамияти бир вақтнинг ўзида ҳам эгасининг номи ёзилган, ҳам кўрсатувчи эгалик қиладиган акцияларни чиқариши мумкин. Ўзбекистонда кўпчилик акциялар эгасининг номи ёзилган шаклда чиқарилади.

3. Оддий ва имтиёзли. Оддий акция акциядорлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини беради, у бўйича олинадиган дивиденд миқдори эса, акциядорлик жамиятининг йил давомидаги ишининг натижаларига боғлиқ ва бошқа ҳеч нарса билан кафолатланмаган. Бундай акцияларнинг эгалари

бошқа қимматли қоғозларнинг эгаларига қараганда катта таваккалчилик қилажаклиги боис, улар бўйича кўзда тутиладиган дивидендлар жуда юқори даражада бўлади.

Имтиёзли акция акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини ва бу билан корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини бермайди. Уларнинг имтиёзлилиги, бир томондан, жамият хўжалик фаолияти натижаларидан қатъий назар, кафолатланган даромадни олиш имкониятидан, иккинчи томондан эса, акциядорлик жамияти тугатилган вақтда акциялар қийматини биринчи навбатда олиш ҳуқуқидан иборат. Имтиёзли акцияларнинг умумий номинал қиймати компания устав сармоясининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Акция бланкларининг мажбурий реквизитлари

1. Акциядорлик жамиятининг номи ва манзили.
2. Қимматли қоғознинг номи - акция.
3. Серияси, тартиб рақами ва чиқарилган сонаси.
4. Тури (оддий ёки имтиёзли).
5. Номинал қиймати.
6. Эгасининг номи (эгасининг номи ёзиладиган акциялар учун).
7. Акциядорлик жамиятининг акциялар чиқарилган кундаги устав фондининг микдори.
8. Чиқарилаётган акциялар сони.
9. Дивидендларни тўлаш муддати.
10. Акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси ва бош бухгалтерининг имзолари.
11. Рўйхатго олиш идораси томонидан берилган акция коди ва сана.

Облигациялар

Облигация (лотинча облигатио сўзидан, мажбурият) - бу унинг эгаси қарз берганлигидан гувоҳлик берувчи ва унга ушбу қимматли қоғознинг номинал қийматини унда кўрсатилган муддатда белгиланган (қатъий) фоиз тўланган ҳолда қоплаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоздир.

Акциядан фарқли равишда облигация эмитентнинг мол-мулкига нисбатан мулк унвони ҳисобланмайди. У овоз бериш ва бошқариш ҳуқуқини бермайди. Облигация - бу бир шахснинг (капмоядор — кредиторнинг) бошқа бир шахсга (эмитент-қарздорга) маблағларни вақтинчалик фойдаланиш учун берганлиги (кредит) ҳақидаги гувоҳномадир. Облигациялар маълум муддатга чиқарилади ва сўндирилиши шарт. Эмитентнинг фаолияти тугатилган вақтда уларнинг эгалари қимматли қоғозлар бошқа турларининг эгаларига қараганда анъанавий тарзда устунликка эга бўлади. Эмитентнинг хусусиятига кўра облигациялар куйидаги учта катта гуруҳга булинади: давлат облигациялар, муниципал облигациялар, корхоналар облигациялари.

Давлат облигациялари

Одатда — бу “кўрсатувчи эгалик қиладиган” қимматли қоғозлардир. Облигациялар узида кредит муносабатларини акс эттиради, бунда давлат қарздор, аҳоли ёки корхона ва ташкилотлар кредитор сифатида иштирок этади (давлат кредити). Бугунги кунда давлат облигациялари облигацияларнинг энг кенг тарқалган туридир. Давлат облигациялари эмиссиясини ҳукумат, аксарият ҳолларда, давлат бюджети тақчиллигини қоплаш мақсадида амалга оширади.

Муниципал облигациялар (махаллий заёмлар облигациялари)

Бундай облигацияларнинг эмитентлари сифатида Ўзбекистон Республикасининг миллий–давлат ва маъмурий–ҳудудий тузилмаларининг ҳокимият идоралари қатнашиши мумкин. Облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор давлат ҳокимиятининг маҳаллий идоралари:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимиятлари томонидан қабул қилинади.

Корхоналар облигациялари тижорат кредити ва муносабатларининг асосий қуроли бўлиб, унда бир турдаги корхоналар қарздорлар, бошқа корхоналар ёки аҳоли эса, кредиторлар бўлишади. Корхоналар облигациялари саноат корхоналарини кредитлаш жараёнида, яъни банклар берилган кредитларга қарши улардан янада майда сўммаларга бўлинган қарз мажбуриятлари (облигациялар)ни олган вақтларда пайдо бўлди. Саноат облигациялари ўрнига бериладиган бундаи кредит кўпинча банк кредитининг бошқа турларига қараганда арзонроқ бўлган. Саноат облигациялари бўйича, одатда, анча юқори фоизлар тўланар эди. Чунки облигациялар бўйича фоиз тўловларини корхонанинг солиққа тортиладиган фойдасидан чиқариб ташлаш мумкин бўлиб, акциялар бўйича дивидендлар эса, солиққа тортилар эди.

Корхоналар облигациялари бланкларининг мажбурий реквизитлари

1. Эмитентнинг номи ва унинг манзили.
2. Қимматли қоғозларнинг номи.
3. Серияси, тартиб рақами ва чиқарилган санаси.
4. Тури (давлат ички заёми, маҳаллий заём облигацияси, корхона облигацияси).
5. Нашрнинг умумий сўммаси.
6. Номинал қиймати.
7. Эгасининг номи (эгасининг номи ёзиладиган облигациялар учун).
8. Фоиз ставкаси.
9. Фоизлорни тўлаш шартлари ва тартиби.
10. Сўндириш шартлари ва тартиби.
11. Эмитентнинг раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари.
12. Рўйхатга олувчи идоро томонидон берилган облигация коди ва сана.

Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ корхоналар облигациялари мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар томонидан чиқарилиши мумкин. Корхона облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор корхона маъмурияти томонидан, акциядорлик жамияти облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор эса, ижроия орган (бошқарув) томонидан қабул қилинади. Қарор тегишли баённома билан расмийлаштирилиши керак. Корхоналар томонидан устав фондини шакллантириш ҳамда тўлдириш, зарарларни қоплаш ва хоказолар учун облигациялар чиқарилишига йўл қуйилмайди. Акциядорлик жамиятлари облигацияларни устав сармояси ҳажмининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаган сўммада ва фақат барча чиқарилган акциялар тўлиқ тўланганидан кейин чиқариши мумкин.

ХАЗИНА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Хазина мажбуриятлари — бу уларнинг эгалари томонидан бюджетга пул маблағларини берганликларини тасдиқловчи ҳамда ушбу қимматли қоғозларга эгалик қилишниш- бутун муддати давомида белгиланган даромадни олиш ҳуқуқини берувчи кўрсатувчи эгалик қиладиган давлат қимматли қоғозларидир. Ўзбекистонда хазина мажбуриятларининг қуйидаги турлари чиқарилади:

1. *Узоқ муддатли* — 5 ва ундан ортиқ йил муддатга чиқарилиши мумкин (халқаро амалиётда улар *Бонд* деган номни олишган).
2. *Ўрта муддатли* — 1 йилдан 5 йилгача бўлган муддатга чиқариладиган (*Ноте*).
3. *Қисқа муддатли* — 1 йилгача, 3, 6 ва 9 ойгача бўлган муддатга чиқариладиган (*Билл*).

Узоқ муддатли ва ўрта муддатли хазина мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, қисқа муддатлиларни чиқариш қарори эса — Молия вазирлиги томонидан қабул қилинади.

ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАРИ

Депозит сертификати (ингл. кертификате оф депосит) — бу пул маблағлари омонатга қўйилганлиги тўғрисида, омонатчига белгиланган муддат тугаганидан кейин депозит сўммаси ва унга тегишли фоизларни олиш ҳуқуқини берувчи кредит муассасасининг гувоҳномасидир.

Ўзбекистонда мустақилликка эришилганидан кейин 1994 йилдан бошлаб сертификатлар икки турда чиқарила бошланди:

депозит сертификатлари — юридик шахслар учун, 1 йилгача муддатга;

депозит (жамгарма) сертификатлари — жисмоний шахслар учун, 3 йилгача муддатга.

Банк сертификатни муддатидан олдин тўловга тақдим этилиши эҳтимолини назарда тутиши мумкин. Бундай ҳолларда банк томонидан олдиндан, сертификатни бериш вақтида белгиланган сертификатнинг унда ёзиб қўйилган қиймати ва пасайтирилган ставка бўйича фоизлар тўланади. Сертификат эгасига сертификатнинг муомалада бўлиш муддати тугаши билан унинг эгасига тегишли бўлган дастлаб чиқариш ва муомалада бўлиш шартларида белгиланган ставка бўйича фоизлар эмитент банк томонидан, ушбу сертификат харид қилинган вақтдан қатъий назар, тўланиши лозим.

Сертификатлар бир марталик қилиб ҳам, серияли, эгасининг номи ёзилган ва кўрсатувчи эгалик киладиган турларда ҳам чиқарилиши мумкин.

Депозит сертификатлари бланкларининг мажбурий

реквизитлари

1. Қимматли қоғозларнинг номи.
2. Сертификатнинг берилиши сабаби (депозит ёки жамғарма омонатининг киритилиши).
3. Депозит ёки жамғарма омонатининг киритилиш сонаси.
4. Депозит ёки жамғарма омонатининг ҳажми.
5. Банкнинг депозит ёки омонатга киритилган сўммани қайтариш ҳақидаги сўзсиз мажбурияти.
6. Омонатчи томонидан сертификат бўйича сўммани талаб қилиш санаси.
7. Депозит ёки омонатдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси.
8. Тегишли фоизлар сўммаси.
9. Эмитент банк манзили, эгасининг номи ёзилган сертификат учун эса омонатчининг номи.
10. Банк томонидан бундай турдаги мажбуриятни имзолаш учун вакил, этилган икки шахснинг банк муҳри билан мустаҳкамланган имзолари.

Сертификатларни чиқариш тўғрисидаги қарор банкнинг амалдаги қонунчилик ва банкнинг устав ҳужжатларига мувофиқ бунга ваколат олган банкнинг раҳбар органи томонидан қабул қилинади. Сертификатларни чиқариш тўғрисидаги қарор билан чиқариш шартлари ва у билан боғлиқ бўлган тадбирларнинг тартиби ҳамда муддати тасдиқланиши керак. Тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- сертификатлар тарқатилиши тўғрисидаги хабар ва улар нашрини муомалага чиқариш шартларини эълон қилиш;
- сертификатлар тарқатилишини ташкил этиш.

Сертификатлар чиқариш учун бериладиган рухсатномани эмитент банк Марказий банкда расмийлаштиради. Марказий банк нашрни рўйхатга олиш

учун ариза берилган кундан бошлаб икки ҳафта ичида наршни рўйхатга олиши ёки рўйхатга олишдан воз кечиши лозим.

Марказий банк сертификатлар нашрини рўйхатга олиши ёки амалга оширилган нашр натижасида жамланган барча маблағларни омонатчиларга қайтарган ҳолда нашрни ҳақиқий эмас, деб тан олиши мумкин. Шунингдек, Марказий банк қуйидаги ҳолларда сертификатларнинг муддатдан олдин тўланишини талаб қилиши мумкин:

- сертификатларни чиқариш ва уларнинг муомалада бўлиши шартлари амалдаги қонунчиликка зид бўлса;
- агар банк сертификатларни чиқариш тадбирларини амалга оширишга расмий рўйхатга олингунга қадар киришган бўлса;
- рекламадаги ахборот ишининг ҳақиқий аҳволига ва амалдаги қонунчиликка мос келмаса;
- амалдаги қонунчилик ёки сертификатларни чиқариш, уларнинг муомалада бўлиши ва тўланиши қоидалари бузилган бўлса.

Банклар депозит сертификатларини чиқариш, рўйхатга олиш ва уларнинг муомалада бўлиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1994 йил 24 декабрдаги 103 – сонли фармойиши билан тасдиқланган махсус Қоидалар асосида белгиланади.

Марказий банкнинг ўзи ҳам сертификат чиқариши мумкин. Бундай сертификатларни чиқариш тартиби “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг депозит сертификатлари чиқариш, уларнинг муомалада бўлиши ва уларга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги Низом” билан бошқарилади. Марказий банк томонидан чиқариладиган сертификатлар давлат қимматли қоғозлари тоифасига киради.

2.1. Қимматли қоғозлар бозорида банкларнинг профессионал иштирокчи сифатидаги операциялари

2008 йилда янги тахрирда “Қимматли коғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонуни қабул қилиниши билан қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг таркиби ва сони анча камайди, бу профессионал иштирокчилар таркибининг ўзгариши, профессионал функцияларнинг аник чегараланиши ва бир катор молиявий институтлар устав жамғармаларига минимал талабларнинг оширилиши билан боғлиқ (2-жадвалга қаранг).

Хусусан, Қонунга мувофиқ қимматли қоғозларнинг номинал тутувчиси, реестр сақловчи ва инвестицион компания каби иштирокчилари ўз фаолиятини тўхтатди; шу билан бирга, янги иштирокчилар, жумладан трансфер-агентлар ва биржадан ташқари савдолар ташкилотчилари пайдо бўлди.

1- жадвал

Республика қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари таркиби

№	Профессионал фаолият номи	01.01. 2007 й ҳолатига	01.01. 2008 й. ҳолатига	01.01. 2009 й. ҳолатига	01.01. 2010 й. ҳолатига	01.01. 2011 й. ҳолатига
1.	Инвестиция воситачиси	89	94	99	61	34
2.	Инвестиция консуль- танти	24	23	21	17	15
3.	Инвестиция фонди	13		9	7	9
4.	Хусусийлаштириш	5	2	-	2	-
5.	Инвестиция актив- ларинингишончли	65	54	51	26	23
6.	Депозитарий	38	40	37	34	30

7.	Хисоб-китоб-клиринг палатаси	2	2	2	2	2
8.	Трансфер-агент	-	-	-	2	3
9.	Биржадан ташкари	2	2	2	2	2
10	Инвестицион компания	12	12	-	-	-
11	Кимматли қоғозларнинг номинал тутувчиси	15	17	-	-	-
12	Реестр сақловчи	47	46	-	-	-
Жами:		312	303	221	153	118

Жадвалдан кўриниб турибдики, сўнгги 5 йил ичида бозорнинг профессионал иштирокчилари таркиби 2,5 баравардан ҳам ортиққа камайди. Иштирокчилар сонининг камайиши сабабларига охирги уч йил ичида уюшган биржа ва биржадан ташкари савдолар оборотлари хажмининг кискариши туфайли бозорга қизиқишнинг пасайиши, шунингдек 2009 йил 1 январдан бошқарув органлари томонидан улар капиталига талабларнинг ўсиши асосида улар фаолияти рентабеллигининг пасайиши каби омилларни киритиш мумкин (2-жадвалга қ,аранг).

2-жадвал

Қимматли қоғозлар профессионал иштирокчиларининг минимал устав капитали

№	Профессионал иштирокчининг номи	Миним
1.	Инвестиция воситачиси	50 000
2.	Инвестиция консултанти	10 000
3.	Инвестиция фонди	400 000 \$
4.	Инвестиция активларининг ишончли	50000
5.	Депозитарий	100 000
6.	Хисоб-китоб-клиринг палатаси	100 000
7.	Трансфер-агент	20 000
8.	Биржадан ташкари савдолар ташкилотчиси	200 000

Бундан ташқари, қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг малака аттестатини олиш учун жисмоний шахсларни аттестациядан ўтказиш (қайта аттестациялаш)га, қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозлар билан операциялар олиб бориш ва хизматлар кўрсатиш, ишларни бажаришга талаблар ҳам кўчайтирилди, бу ҳам ушбу соҳада мутахассислар сонининг камайишига олиб келди.

ЎзР ДМҚ қошидаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази маълумотларига кўра жорий йил бошида амалдаги 1 -чи тоифа малака аттестатлари 123та мутахассисда, II-чи тоифа - 267та мутахассисда мавжуд бўлиб, бу мутлақо етарли эмас.

Фикримизча, бугунги кунда мазкур соҳада мутахассисларни тайёрлаш тизими жуда мураккаб ва етарлича самарали эмас. Чунончи, камида ўртача маълумотга эга бўлган жисмоний шахс ихтисослаштирилган 1-2 ойлик куреларда ўқиб чиқиб, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш органларида давлат имтиҳонларини муваффақиятли топшириб мутахассис бўлиши мумкин. Бундай ҳуқуқ 3 йил амал қилади, кейин яна давлат имтиҳонларини топшириш керак. Бундай тартиб 90-йилларнинг бошида қимматли қоғозлар бозорида мутахассислар сони етишмаслиги туфайли қабул қилинган эди, у қимматли қоғозлар бозорининг шакллантирилиши босқичида ва унинг қонунчилик-меъёрий базасининг ўзгариши шароитида самарали эди. Бугунги кунда эса бозор тўлиқ шаклланиб бўлган, меъёрий-ҳуқуқий база соддалаштирилган, кўпчилик мутахассислар олий маълумотга, жумладан молиявий-иқтисодий маълумотга эга, уларнинг айримлари олий ўқув юртларида қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини тайёрлаш йўналишида билим олган. Шунинг учун уларни қайта ўқитиш ва аттестациядан ўтказиш маълум даражада таажжуб ўйғотади, ортиқча вақт ва пул харажатларини келтириб чиқаради.

Сўнгги йилларда тижорат банклари Ўзбекистан қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачилари, депозитарийлар, инвестиция

активларини ишончли бошқарувчилари, реестр сақловчилар, консультантлар ва андеррайтерлар сифатида фаол иштирок этиб келмоқдалар. Бунда тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун алоҳида лицензия олиниши талаб қилинмайди.

“Тошкент” РФБда инвестиция воситачиси сифатида иштирок этиш учун айрим тижорат банклари брокерлик идораларига эга. 2011 йил 21 январь ҳолатига кўра биржада банкларнинг 12та брокерлик идораси рўйхатга олинди, улардан 5 таси биржа савдоларида 2010 йил учун иштирок этиб келган фаол банклардир (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

2008-2010 йилларда “Тошкент” РФБда тижорат банклари брокерлик идораларининг иштироки

№	Брокерлик идораларига эга банклар	2008	2009	2010						
		Битимлар миқдори, дон	Битимлар сўммаси, млн, сўм	Брокерлик идоралари умумий оборотидаги салмоғи, %	Битимлар миқдори, дон	Битимлар сўммаси, млн, сўм	Брокерлик идоралари умумий оборотидаги салмоғи, %	Битимлар миқдори, дон	Битимлар сўммаси, млн, сўм	Брокерлик идоралари умумий оборотидаги салмоғи, %
1	«Капитал Банк»	14	5 835,6	2,23	98	24	13,5	39	9	7,11
2	«Ипак йўли»	105	4997,3	0,19	85	6446	3,6	22	5	4,44
3	«Хамкорбанк»	12	77,1	0,89	10	3	2	162	463	3,60
4	ЎзР ТИФ МБ	2	425,0	0,01	59	1	0,8	1	4	0,003
5	«Асака» ДАТБ	3	1 999,9	0,03	2	1	0,6	2	175	1,36
6	«Узсаноатқурили	-	-	-	-	и	-	-	-	-
7	«Кишлоқ	1	12,0	2,61	-	-	-	-	-	-
8	«Ипотека-банк»	-	-	-	-	-	-	-	-	-
9	«Агро депо инвест» ДХО	-	-	-	-	-	-	-	-	-
10	"Агробанк"	-	-	-	-	-	-	-	-	-
11	«Турон» АКББ	-	-	-	-	-	-	-	-	-
12	"Равнак-Банк"	-	-	-	-	-	-	-	-	-

	Жами	137	13346,9	5,96	35	3674	20,4	226	212	16,50
--	------	-----	---------	------	----	------	------	-----	-----	-------

Банклар идоралари ўртасида сўнгги уч йил ичида етакчи ўринларни «Капитал банк» АТБ, «Ипак йўли» АИТБ ва «Хамкорбанк» ОАТБ брокерлик идоралари қатъий эгаллаб келмоқда. Банклар брокерлик идораларининг "Тошкент" РФБ умумий айланмасидаги салмоғи кўрсаткичи 2010 йилда 2009 йилга нисбатан пасайганига қарамасдан, сўнгги йилларда улар фаолияти умумий ўсиш тенденциясини кўрсатмоқда.

Тижорат банкларининг "Тошкент" РФБдаги фаолиятини сўнгги беш йилдаги операциялар турлари бўйича таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, банклар қимматли қоғозларни харид қилиш бўйича операцияларига нисбатан кўпроқ уларни сотиш бўйича операцияларни ўтказмоқдалар (4-жадвалга қаранг). Масалан, 2010 йилда қимматли қоғозларни сотиш бўйича операциялар қимматли қоғозлар бўйича операциялар умумий ҳажмининг 68,7 фоизини ташкил қилди.

4-жадвал

"Тошкент" РФБда тижорат банклари фаоллиги

№	Кўрсаткичлар (млн. сўм)	2005 й	2006 й	2007 й	2008 й	2009 й	2010 й
1.	Қимматли қоғозларни сотиб олиш ҳажми	697,3	2 820,9	763,2	6659,5	15 561,4	12 419,7
2.	Қимматли қоғозларни сотиш ҳажми, жумладан:	890,7	3 831,7	7 940,9	6687,4	21 182,8	27 244,7
2.1	Ўз қимматли қоғозларини сотиш	470,4	1 640,8	7 591,9	3 484,9	14 641,5	20 351,0
2.2	Бошқа эмитентлар қимматли қоғозларини сотиш	420,3	2 190,9	349,0	3 202,5	6 541,3	6 893,7
3.	Қимматли қоғозлар билан операциялар ҳажми (1 сатр +2 сатр)	1 588,0	6652,6	8 704,1	13 346,9	36 744,2	39664,4
4.	"Тошкент" РФБ умумий обороти	41 550,7	137119,1	115 233,9	111 887,3	89 987,4	64378,8

5.	Банклар операцияларининг "Тошкент" РФБдаги савдолар умумий оборотидаги улуши	3,8%	4,9%	7,6%	11,9%	40,8%	61,6%
----	--	------	------	------	-------	-------	-------

Жадвалдан кўриниб турибдики, сўнгги беш йилда ЎТошкент" РФБдаги умумий оборотда банклар улушининг ўсиши тенденцияси кузатилмоқда, охириги 2 йилда сезиларли натижалар қулга киритилганлиги кўриниб турибди (4-расм).

Банкларнинг бошқа профессионал иштирокчилар-депозитарийлар, инвестиция консуль-тантлари, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари, трансфер-агентлар ва ҳ.к.лар сифатидаги фаолияти бироз сустроқ.

Ҳозирги пайтда банклар давлат акциялари пакетининг инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси сифатида фаолият олиб боришлари учун имкониятлар мавжуд. Хусусан, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли “Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига мувофиқ ЎзР Давлат мулки қўмитаси томонидан 2011 йилда давлат акциялари пакетини ишончли бошқарувга бериш бўйича танловларни ўтказиш жадвали ишлаб чиқилди. Бу жадвалга ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати, «Ўзэлтехсаноат», «Ўзагромушсервис» уюшмаларининг, «Ўздонмахсулот» АК, «Ўзбекнефт-газ» МХК, Сув ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат геология қўмитасининг ва бошқа иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг 180дан ортиқ хўжалик жамиятлари ва корхоналари киритилди. Юқорида таъкидланганидек, асосий фаолият бўйича лицензияга эга бўлган банклар ўзларида тегишли бўлинма ташкил қилиб, ЎзР ДМҚ қошидаги ҚҚБФНҚ марказининг лицензияси бўлмагани ҳолда қимматли қоғозлар бозорида ишончли бошқарувчи сифатида фаолиятни амалга оширишлари мумкин.

2.2.Банкларнинг қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари уюшган бозоридаги операциялари

Ҳозирги вақтда республикамызда иккита уюшган биржадан ташқари савдо тизимлари ташкил этилган - «Элсис-савдо» ва «Банклараро савдо тизими». Ушбу савдо тизимларининг асосий муассислари тижорат банкларидир. «Банклараро савдо тизими»да 2010 йил давомида 296 690 дона қимматли қоғозлар бўйича 1755та битим амалга оширилган бўлиб, савдоларга жами 10 та эмитентнинг 898,3 минг дона қимматли қоғози чиқарилган.

Савдоларга қўйилаётган асосий қимматли қоғозлар банкларнинг облигациялари бўлиб, уюшган биржадан ташқари савдоларнинг асосий иштирокчилари ҳам банкларнинг ўзидир. Шунга қарамай, таъкидлаш жоизки, қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари уюшган бозорида банкларнинг фаолиятини жадаллаштириш бўйича анча катта резервлар мавжуд.

2.3. Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида банкларнинг давлат қимматли қоғозлари билан операциялари

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида (ЎзРВБ) давлат қимматли қоғозларини сотиш ва сотиб олиш бўйича савдо майдончасининг асосий иштирокчилари ҳисобланади. ЎзР Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг давлат қимматли қоғозларини чиқарувчи бош агенти сифатида ҳаракат қилади. ЎзРВБда қисқа муддатли (3,6, 9 ва 12 ой) давлат облигациялари ҳамда ЎзР Молия вазирлигининг ғазначилик мажбуриятлари, ЎзР Марказий банки облигациялари билан савдо қилиниши мумкин. Банклар бирламчи ва иккиламчи дилерлар сифатида ҳаракат қилади ва инвестор сифатида ўз номидан ҳам, воситачи сифатида мижозлар номидан ҳам савдоларда иштирок этиши мумкин.

Бирламчи дилерларга (ЎзР ТИФ Миллий банки, «Ўзсаноат-қурилишбанки» ОАТБ, ДТ Халқ банки, «Асака» ДАТБ, «Агробанк» ОАТБ,

«РБС Ўзбекистон МБ» ЁАЖ, «УзКДБ Банк» ЁАЖ, «Кредит-Стандарт банк» АТБ) савдоларда иштирок этиш учун анча юқорироқ талаблар қўйилади, шу билан бирга, улар қимматли қоғозлар билан операциялардан юқоририроқ даромад оладилар.

2009 йилда тижорат банклари бирламчи дилерлар сифатида умумий сўммаси 29,450 млрд. сўмлик қисқа муддатли давлат облигацияларини жойлаштириш бўйича 17та аукционда иштирок этди, улардан 19,324 млрд. сўмлик ғазначилик мажбуриятлари бирламчи бозорда, 10,126 млрд. сўмлик ғазначилик мажбуриятлари иккиламчи бозорда жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг дастлабки маълумотларига қараганда, 2010 йилда тижорат банклари - бирламчи дилерлар умумий сўммаси 16,266 млрд. сўмлик қисқа муддатли давлат облигацияларини жойлаштириш бўйича 13та аукционда иштирок этди (5-жадвал).

5-жадвал

**2010 йил давомида қисқа муддатли давлат облигацияларини
жойлаштириш бўйича ЎЗРВБда ўтказилган аукционлар**

№	Рўйхатга олиш рақами	Чиқариш санаси	Чиқариш муддати	Эълон қилинган % ставкаси	Эълон қилинган жойлаштириш сўммаси	Сотилган
1	26066УМФС Ф	1.12.2010	728 кун	6,5	2 646 000 000	2116 800 000
2	26065УМФС Ф	24.11.2010	728 кун	6,0	720 000 000	маъл. йук
3	26064УМФС Ф	17.11.2010	728 кун	6,0	600 000 000	240 000 000
4	26063УМФС Ф	10.11.2010	728 кун	6,0	700000000	280000 000
5	26062УМФС Ф	3.11.2010	728 кун	5,7	1 000 000 000	403 000 000
6	26061УМФСФ	20.10.2010	728 кун	5,7	800 000 000	300000000
7	26060УМФС Ф	22.09.2010	728 кун	5,7	1 600 000 000	1 598 616 000
8	26059УМФС Ф	4.08.2010	728 кун	5,7	2100 000 000	839 496 000
9	26058УМФС Ф	7.07.2010	728 кун	5,7	1500000 000	1 272 000 000
10	26057УМФСФ	19.05.2010	728 кун	5,7	650 000 000	маъл. йук
11	26056УМФС Ф	21.04.2010	728 кун	5,7	1 150 000000	658 000 000
12	26055УМФС Ф	7.04.2010	728 кун	5,7	1 000 000 000	219410 000
13	26051УМФСФ	13.01.2010	728 кун	5,7	1 800 000 000	маъл. йук
					16 266 000 000	

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорида иштирок этиши унинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари иштироки шакллариининг кенгайтирилиши ва диверсификацияланиши банклар атрофида юқори профессионал таркибий бўлинмалар - брокерлик компаниялари ва бошқарувчи компанияларнинг, депозитарийларнинг, консалтинг фирмаларининг пайдо бўлишига олиб келдики, улар қимматли қоғозлар биржа савдоларининг фаол мустақил иштирокчиларига айланмоқда. Шубҳасиз, қимматли қоғозлар бозорининг янада ривожлантирилиши бундан кейин ҳам банкларнинг бозордаги позициялари кўчайишига боғлиқ бўлади.

Кейинги мақоламизда қимматли қоғозлар бозорида банклар акциялари билан операциялар бўйича тенденцияларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

2	«Асака» ГАТБ	Листинг дан ташқари	Корпоратив облигация 5- йиллик номли	1000000	1000000
3	«Хамкорбанк» ОАТБ	Лис- тингли	Корпоратив облигация 7- йиллик номли	1000	1028,1
4	«Трастбанк» ХОАТББ	-	Корпоратив облигация 5- йиллик номли	1000000	-
5	«Гурон» ОАТБ	-	Корпоратив облигация 5- йиллик номли	1000000	-
6	«Агробанк» ОАТБ	-	Корпоратив облигация 5- йиллик номли	1000000	-
7	«Кишлоқ қурилиш банк» ОАТБ	-	Корпоратив облигация 5- йиллик номли	500000	-
8	«Алокабанк» ОАТБ	-	Корпоратив облигация 5- йиллик номли	100000	-
9	«Капиталбанк» ОАТБ		Корпоратив облигация субординацияланган;	10000000 10000000	
10	«Ипак йули» ОАИТБ		Корпоратив облигация субординацияланган;	1000000 1000000	

11	«Ипотека - банк» ОАТБ	-	Корпоратив облигация 5- йиллик номли	10000000	-
12	«Узқурилишсаноат банк» ОАТБ		Корпоратив облигация 6- йиллик номли; Корпоратив облигация 10-йиллик номли	100000 100000 1000000	
13	«Микрокредитб анк» ОАТБ	-	Корпоратив облигация 5- йиллик номли	1000000	-
14	«Савдогар» ОАТБ	-	Корпоратив облигация 5- йиллик номли	1000000	-

Чиқарилган облигацияларнинг энг кўп сони ҳам банкларга тўғри келади, улар қаторида -ЎЗР ТИФ МБ - 135 млрд. сўм, «Ўсаноатқурилишбанк» ОАТБ - 38 млрд. сўм, «Асака» ДАТБ - 20 млрд. сўм, «Ипак Йўли Банк» ОАИТБ -10 млрд. сўм, «Х,амкорбанк ОАТБ» - 8 млрд. сўм, «Капитал-банк» ОАТБ - 7 млрд. сўм, «Савдогарбанк» Ўзбекистон-Германия ОАТБ - 4 млрд. сўм, «Микрокредитбанк» ОАТБ - 3 млрд. сўм, «Трастбанк» ХОАББ - 3 млрд. сўм, «Алоқабанк» ОАТБ - 3,0 млрд. сўм ва б. (7-жадвалга қаралсин).

Тижорат банкларининг уюшган биржа ва биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти таҳлилидан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, улар эмитентлар, инвесторлар ва профессионал иштирокчилар сифатида майдонга чиқиб, сўзсиз етакчилик қилмоқдалар ва устун позицияларни эгалламоқдалар.

Республика валюта биржасида барча воситачилик операциялари дилер-банклар томонидан олиб борилади, «Тошкент» РФБда сўнгги йилларда банкларнинг профессионал воситачилар сифатидаги иштироки ҳажми операциялар ҳажми бўйича 4 фоиздан 60 фоизгача ўсди.

Шу билан бирга, қимматли қоғозлар бозоридаги бошқа профессионал фаолият йўналишларида банклар етарлича фаоллик кўрсатмаяпти, аммо ўсиш ва фаоллашув учун салоҳиятга эга. Банкларнинг биржа бозоридаги инвестициявий фаолияти ҳам ўсиш тенденциясига эга. Бироқ шунга қарамай,

хулоса қилиш мумкинки, банкларнинг қимматли қоғозларга киритмалари улар жами активларининг арзимас улушини ташкил қилади, буни эса даромадли ва ликвидли қимматли қоғозлар турларининг ва сонининг етарлича кўп эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

2.4.Республика банкларининг бозор капиталлашуви

“Тошкент” Республика фонд биржасининг 2010 йилдаги фаолияти яқунлари бўйича савдолар ҳажми 2009 йилга нисбатан 28,4 фоизга пасайди, шу билан бирга, листингли компаниялар сонининг ортиши кўзга ташланди – уларнинг сони 90 га етиб, 4,7 бароварга ошди. Листингли компанияларни тоифалар бўйича қарайдиган бўлсак, уларнинг энг кўп сони (49 та АЖ) “С” тоифаси талабларига жавоб беради. Кейинги ўринлар куйидагича тақсимланди: “В” тоифа – 24 та АЖ, “А” – 14 та АЖ ва “Д” – 3 та АЖ. Расмий биржа листингига кирган акциядорлик компаниялари акцияларининг бозор капиталлуви 2011 йил 1 январ ҳолатига кўра 4746,6 млрд.сўмни ташкил қилди, бу эса 2009 йил кўрсаткичида (577,9 млрд.сўм) 8 баравар ортиқ.

Банклар акциялари билан савдо 2010 йил яқунлари бўйича 31,7 млрд.сўмни ёки умумий биржа айланмасининг 49,8 фоизни ташкил қилди. Банклар акцияларига бундай қизиқишнинг ортиши уларнинг ишончлилиги, барқарорлиги, даромадлиликнинг доимий ўсиши, ахборотни очиб бериш нормаларидан фаол фойдаланилиши билан боғлиқ. Буларнинг ҳаммаси акциялар курсининг ўсишига олиб келади ва уларнинг бозор капиаталлашуви ортишига кўмаклашади. Таъкидлаш жоизки,

«Тошкент» Республика фонд биржасида руйхатга олинган 29та тижорат банклари акциялари (1-жадвалга қаралсин), акциядорлик банкларининг катта кисми (17та банк) расмий биржа листингининг энг юқори тоифалари «А» ва «В» тоифаларга киритилган (2-жадвалга қаралсин).

«Тошкент» РФБда рўйхатга олинган тижорат банклари акциялари

№»	Банкнинг номи	Мақоми	Қимматли қоғоз тури	Номинал, сўм	Котировкалана диган нарх, сўм
1	«Роял Банк оф Скотланд О"збекистон МБ» ЁАЖ	Листингдан ташқари	Оддий номли акция	5848,55	-
2	«Инвест Финанке Банк» ХОАТБ	Листингдан ташқари	Оддий номли акция	1000	10501г
3	УзРХалк банки ДК	Листингдан ташқари	Оддий номли акция	50000	50000
4	«Амирбанк» ХОАТБ	Листингдан ташқари	Оддий номли акция	10000	10000
5	«АСИА АЛЛИАНКЕ БАНК» ХОАТБ	Листингдан ташқари	Оддий номли акция	250	250
6	«ҲИ-ТЕЧ БАНК» ХЁАТБ	Листингдан ташқари	Оддий номли акция	1000	1000
7	ХЁАТБ «Ориэнт Финанс»	Листингдан ташқари	Оддий номли акция	1000000	-
8	«0"зКДБ Банк» ЁАЖ	Листингдан ташқари	Оддий номли акция	51050,148 630	51050
9	«Асака» ДАТБ	Листингдан ташқари	Оддий номли акция	52600	50000
10	«Кредит-Стандарт» ОАТБ	Листингдан ташқари	Оддий номли акция Имтиёзли акция	50000; 360000 360000	50000;360000 360000
11	«Давр-банк» ХЁАТБ	Листингдан ташқари	Оддий номли акция	10000	10000
12	«Уктамбанк» ОАТБ	Листингли, А тоифа	Оддий номли акция Имтиёзли акция	1000 1000	1000 1000
13	«Туркистон» ХОАТИБ	Листингли, А тоифа	Оддий номли акция	1000	1000
14	«Хамкорбанк» ОАТБ	Листингли, А тоифа	Оддий номли акция Имтиёзли акция	100 100	100
15	«Трастбанк» ХОАТББ	Листингли, А тоифа	Оддий номли акция	1000 1000	1000 1080*

			Имтиёзли акция		
16	«Турон» ОАТБ	Листингли, А тоифа	Оддий номли акция Имтиёзли акция	1000; 1400 1000,1400	1400 1400
17	«Агробанк» ОАТБ	Листингли, А тоифа	Оддий номли акция Имтиёзли акция	1000; 1150 1000; 1150	1150 1150
18	«Кишлоқ қурилиш банк» ОАТБ	Листингли, А тоифа	Оддий номли акция Имтиёзли акция	100 100	110* 148,5*
19	«Алоқабанк» ОАТБ	Листингли, А тоифа	Оддий номли акция Имтиёзли акция	100 100	100 100
20	«Капиталбанк» ОАТБ	Листингли, А тоифа	Оддий номли акция	10000	10000
21	«Ипак йули» ОАИТБ	Листингли, А тоифа	Оддий номли акция Имтиёзли акция	100 100	100 100
22	«Ипотека - банк» ОАТБ	Листингли, А тоифа	Оддий номли акция Имтиёзли акция	1000 1000	10141- 1000
23	«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ	Листингли, А тоифа	Оддий номли акция Имтиёзли акция	1500; 2000; 2475 2475	2475 2475
24	«Самарқанд» ОАТБ	Листингли, В тоифа	Оддий номли акция Имтиёзли акция	50000 50000	50000
25	«Равнак-банк» ХОАТБ	Листингли, В тоифа	Оддий номли акция	1000	1400
26	«Универсал банк» ХОАТБ	Листингли, В тоифа	Оддий номли акция	100000	100000
27	«Микрокредитбанк» ОАТБ	Листингли, В тоифа	Оддий номли акция Имтиёзли акция	1000; 1023,96 1023,96	1023,96 1023,96
28	ОАТБ «Савдогар»	Листингли, В тоифа	Оддий номли акция Имтиёзли акция	100; 10000000 100	100; 10000000
29	Ўзбекистон-Туркия Банки ЁАТБ	Листингдан та ш қари	Оддий номли акция	140000	100000

Бундан ташкари банкнинг расмий биржа листингига киритилиши унинг қимматли қоғозлари мажбурий котировкаланиши ҳамда уларнинг адолатли бозор нархи аниқланиши имконини беради. 1-жадвалдан кўриниб турибдики, бир қатор банклар акцияларининг котировкалари номинал қийматдан юқори, бу банк капиталлашувини номиналга қараганда юқорироқ баҳолаш имконини беради, бундан ўтган йил якунлари ҳам далолат бермоқда.

2010 йил якунлари бўйича банклар капиталлашуви 2009 йилга нисбатан 45,3 фоизга ошди (2-жадвалга қаралсин). Капиталлашувнинг энг юқори ўсиши «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ (435,4%), «Уктамбанк» ОАТБ (250%) ва «Агробанк» ОАТБ (230%)да кузатилди. «Равнақ-банк» ХОАТБ (-28,6%), «Универсал банк» ХОАТБ (-22,7%) ва «Трастбанк» ХОАТББ (-7,4%) каби банкларда эса капиталлашув пасайди.

2-жадвал

**Листингли тижорат банклари акцияларининг бозор капиталлашуви
кўрсаткичлари**

№	Тижорат банки	31.12.2009 йилдаги капиталлашув ҳажми, млрд.сўм	31.12.2010 йилдаги капиталлашув ҳажми, млрд.сўм	Кўпайиш/ камайиш, млрд. сўм	Кўпайиш/ камайиш, %
1	«Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ	37,9	165,0	124,1	435,4
2	«Микрокредитбанк» ОАТБ	150,0	150,0	0,0	0,0
3	«Узсаноатқурилишбанк» ОАТБ	110,0	123,8	13,8	12,5
4	«Агробанк» ОАТБ	50,0	115,0	65,0	230,0
5	«Ипотека - банк» ОАТБ	57,4	71,0	13,6	23,6
6	«Алокабанк» ОАТБ	34,0	34,0	0,0	0,0
7	«Уктамбанк» ОАТБ	10,0	25,0	15,0	250,0

8	«Самарканд» ОАТБ	15,3	24,0	8,7	56,9
9	«Ипак йули» ОАИТБ	16,0	23,0	7,0	43,8
10	«Капиталбанк» ОАТБ	13,0	23,0	10,0	Г6,9
11	«Хамкорбанк» ОАТБ	15,0	21,0	6,0	40,0
12	«Турон» ОАТБ	13,0	18,2	5,2	40,0
13	«Савдогар» ОАТБ	12,0	12,0	0,0	0,0
14	«Туркистон» ХОАТИБ	5,3	7,3	2,0	37,7
15	«Трастбанк» ХОАТББ	6,8	6,3	-0,5	-7,4
16	«Равнақ-банк» ХОАТБ	8,4	6,0	-2,4	-28,6
17	«Универсал банк» ХОАТБ	7,5	5,8	-2,7	-22,7
	Жами	561,6	830,4	258,8	45,3

“Тошкент” РФБ да банк акциялари билан операциялар

2010 йилда биржа бозорида сотилган листингли компаниялар акцияларининг умумий ҳажмидан ярмидан камроғи (48,8%) иккиламчи биржа бозорига тўғри келади. Иккиламчи бозорда қўшимча миссияларни 100 фоиз республикаимизнинг тижорат банклари жойлаштирган (*3-фадвалга қаралсин*).

**2010 йилда листингли компаниялар акцияларининг қўшимча
эмиссияларини жойлаштириш ҳақидаги маълумотлар**

№	Эмитентлар	Сўмма, сўм	Номинал	Ўртача олинган баҳоси	Акциялар сони
1	«Капитал банк» АТБ	2 500 000 000	10 000	10 000	250 000
2	«Алокабанк» ОАТБ	4 000 000 000	100	100	40 000 000
3	«Ипотека-банк» ОАТБ	3187 529 280	1 000	1 014	3 143 520
4	«Хамкорбанк» ОАТБ	1 250 000 000	100	100	12 500 000
5	«Савдогар» ОАТБ	3 061 200 000	100	100	30 612 000
6	«Самарқанд» ОАТБ	2 220 000 000	50 000	50 000	44 400
7	«Турон банк» ОАТБ	1 400 000 000	1400	1400	1 000 000
8	«Ипак йўли» ОАИТБ	1 500 000 000	100	100	15 000 000
9	«Уктамбанк» ОАТБ	1 000 000 000	1000	1 000	1 000 000
10	«Универсал банк» ХОАТБ	220 500 000	100 000	100 000	2 205
	Жами 2010 учун	20 339 229 280			103 552 125

Сўнгги тўрт йил ичида банк акцияларининг қўшимча эмиссияси ҳам ўсиш тенденциясини намоён қилди: 2006 йилдаги 65,8 фоиздан 2010 йилда 100,0 фоизгача (7-расм).

1 – расм. Бирламчи ва иккиламчи биржа бозорида банклар айланмасининг нисбий салмоғи.

Жами бўлиб 2010 йил давомида «Тошкент» РФБда республикамиз тижорат банклари қўшимча эмиссияси акцияларининг умумий қиймати 20,3 млрд. сўмни ёки 51,2 фоизни ташкил қилди, уларнинг сўнгги 5 йил ичидаги умумий сони эса 20 та эмиссиядан иборат. Таҳлиллارнинг кўрсатишича, банклар қўшимча эмиссиялари акцияларини сотиш ҳажмларининг энг юқори қиймати 2007 йилга тўғри келди (умумий биржа айланмасининг 30 фоизи) (4-жадвалга қ,аралсин).

«Тошкент» РФБда банклар акциялари билан савдолар, млн. сўм⁷

Эмитент	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
«Агробанк» АТБ	37,8	71,1	17175,4	14 590,9	69,1	2,3
«Ипотека банк» АТБ	118,6	614,9	23765,1	6647,2	2791,4	3 277,9
«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ	241,9	2 615,5	9126,5	4120,9	3499,8	250,1
«Алока банк» АТБ	16,3	1 496,5		3 967,4	5004,0	5 014,9
«Капитал банк» АТБ	1 167,0	1 030,1	2801,7	3 423,7	7917,4	5 534,4
«Хамкорбанк» АТБ	1 585,8	3 316,9	4377,8	2 395,0	3141,2	3 151,4
«Ипак - Йўли» АТИБ	586,2	1 752,1	1,4	1 372,0	5504,3	1 978,6
«Турон банк» АТБ	36,1	1 281,9	16,3	1 261,1	642,9	2 086,1
«Траст банк» ХОАББ	1 131,2	889,4	924,3	957,9	534,1	-
«Савдогар» АТБ	255,4	924,2		720,0	1001,3	3 061,2
«Узсаноатқурилишбанк» АТБ	291,2	1 222,0	5197,7	545,0	722,7	310,3
«Уктамбанк» ХОАТБ		208,0	2 300,0	416,2	4960,9	1064,3
«Микрокредитбанк» АТБ	3,2			294,5	52,3	-
«Универсал банк» ХОАТБ	450,6	124,0		69,1	935,4	361,7
«Туркистон» ХОАТИБ	19,9	36,2		17,4	797,3	522,8
«Равнак Банк» ХОАТБ	18,0	1 128,9		0	0	-
«Самарканд» ОАТБ					1697,1	2 223,1
«Бизнес-банк» ХОАТБ	960,0					-
«Кредит-Стандарт» ОАТБ	264,6					1 905,1
«Инвест Финанке Банк» ХАТБ						1 638,0
ЖАМИ	7356,5	16711,9	69 499,0	43 202,2	39372,3	32 382,2

Бундай ҳол Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги ПК-670-сонли «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иктисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши билан боғлиқ унда банклар капиталлашувини уларнинг устав капиталини ошириш, акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорларида фаол жойлаштириш ҳисобига ошириш чоралари белгиланган.

Инвесторларнинг иккиламчи бозорда реализация қилинадиган акцияларга қизиқишининг ортиши банк акцияларининг етакчи позициялари билан нам изохланади, гарчи у бирламчи бозордагидек ўсиш суръатларига эга бўлмаса нам (5-жадвалга қаралсин).

5-жадвал

**Иккиламчи бозорда банк акциялари билан савдо ҳажмларининг
улар устав жамғармасига нисбати**

№	Қиймати	2005	2006	2007	2008	2009	2010
1	Банклар-акциядорлик жамиятлари сони (бирл.)	27	26	27	28	29	28
2	Банклар-акциядорлик жамиятларининг устав жамғармаси (млн.сўм)	95410,0	173252,2	436517,1	746470,8	1137925,3	1577810,9
3	Уюшган иккиламчи бозорда акциялари муомалада бўлган банклар сони (бирл.)	4	15	28	23	17	17
4	Иккиламчи бозорда банк акциялари савдоси ҳажми (млн.сўм)	13463,8	26351,4	52153,0	33797,3	47852,9	49305,6
5	Иккиламчи бозорда банк акциялари савдоси ҳажмининг банклар устав жамғармасига нисбати (%)	14,11	15,21	11,9	4,5	4,2	3,1
6	"Тошкент" РФБ листингига киритилган банклар сони (бирл.)	4	4	10	17	18	17

Иккиламчи биржа айланмасининг умумий ҳажмида банклар акциялари сотуви улуши 2005 йилдаги 27,3 фоиздан 2009 йилда 30,7 фоизгача усди. Банкларнинг иккиламчи бозордаги акциялар савдоси ҳажмини умумий устав фондига нисбатини олсак, пасайиш тенденцияси кузатилади (2-расм). Ушбу

кўрсаткич, биринчидан, банклар устав жамғармаларининг жадал ошиб бораётганидан, иккинчидан, иккиламчи бозорда банклар акциялари савдосининг ўсиш суръатлари пасайиб бораётганидан ва учинчидан, банклар акцияларининг катта қисми биржадан ташқари бозорда сотилаётганидан далолат беради.

2 – расм. Иккиламчи бозорда банклар акциялари савдоси ҳажмининг банклар устав жамғармасига нисбати, %

2005-2010 йилларда «Тошкент» РФБда листингли компаниялар акциялари билан савдо қилиш кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, улар инвесторлар эътиборини 2007 йилдан бошлаб узига жалб қилиб келмоқда. 2010 йилда листингли компаниялар акциялари билан битимларнинг умумий ҳажми деярли 2009 йил даражасида қолди ва 39,8 млрд. сўм, ёки умумий биржа айланмасининг 44,8 фоизини ташкил қилди (6-жадвалга қаралсин).

6-жадвал

«Тошкент» РФБ умумий айланмасида листингли ва листингдан ташқари компаниялар улуши

Курсаткич	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Листингли компаниялар, (бирл.)	4	4	10	19	20	90
Листингда бўлган қимматли қоғозлар билан савдолар ҳажмлари (млрд.сўм)	0,69	4,52	65,21	41,97	40,30	39,8
Листингли компанияларнинг умумий савдолар ҳажмидаги улуши, %	1,7	3,3	56,6	37,5	44,8	61,8
Листингдан ташқари компаниялар, (бирл.)	639	617	420	373	294	105
Листингга кирмаган қимматли қоғозлар билан савдолар ҳажмлари (млрд.сўм)	40,86	132,60	50,02	69,92	49,68	24,6
Листингдан ташқари компанияларнинг	98,3	96,7	43,4	62,5	55,2	38,2

умумий савдо ҳажмидаги улуши, %						
АЖ сони жами (бирл.)	643	621	430	392	314	195
Савдолар ҳажмлари жами (млрд.сўм)	41,55	137,12	115,23	111,89	89,98	64,4

2010 йилда листингли компаниялар акцияларининг энг катта оборотлари куйидаги банклар акциялари билан битимларда кузатилди: «Капитал банк» АТБ - 5,5 млрд. сўм, «Алокабанк ОАТБ» - 5,0 млрд. сўм, «Ипотека банк» АТБ - 3,3 млрд. сўм, «Хамкорбанк» АТБ - 3,2 млрд. сўм ва «Савдогар» АТБ - 3,0 млрд. сўм. 3 – расм. 2005 – 2010 йилларда листингли ва листингдан ташқариш компанияларнинг умумий биржа айланмасидаги улуши

3-расмдан кўриниб турибдики, биржа айланмасида листингли компаниялар улуши ошиб бормоқда ва уларнинг асосий қисми банкларга тўғри келмоқда. Масалан, «Тошкент» РФБдаги узлуксиз аукцион секциясида 2011 йил 26 мартда акциялари сотувга чиқарилган 15та листингли компанияларнинг 7таси ёки 47 фоизи банкларга тегишли, биржанинг оддий аукцион секциясида эса барча жойлаштирилаётган корпоратив қимматли қоғозлар тижорат банкларига тегишли.

3.1.“ОАТБ Агробанк қимматли қоғозлар буйича эмиссия сиёсати”

Эмиссия сиёсати – бу банкнинг қимматли қоғозлари (акция, облигация, депозит ва омонат сертификатлари)ни муомалага чиқариш орқали ўз сармояси ва ресурс базасини кенгайтириш, шунингдек банк пассивларини диверсификация қилиш орқали ўз ликвидлилигини таъминлашга йуналтирилган чора-тадбирлар мажмуидир.

3. Ушбу Сиёсатда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

а) акция - ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишга ва ушбу жамият тугатилганидан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган даъвогарлик ҳуқуқини тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган, эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозидир;

б) ахборотни ошқор қилиш - қимматли қоғозлар бозорида манфаатдор шахсларнинг ахборотни олиш мақсадидан қатъий назар ахборотдан унинг топилиши ва олинishiни кафолатлайдиган шаклларда фойдаланишини таъминлаш;

в) вексель - вексель берувчининг ёки векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда назарда тутилган муддат келганда вексель эгасига муайян сўмmani тўлашга доир шартсиз мажбуриятини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғозидир;

г) депозит сертификати - банкка қўйилган омонат сўммасини ва омонатчининг (сертификат сақловчининг) омонат сўммасини ҳамда сертификатда шартлашилган фоизларни сертификатни берган банкдан ёки шу банкнинг исталган филиалидан белгиланган муддат тугаганидан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғозидир;

д) инвестор - қимматли қоғозларни ўз номидан ва ўз ҳисобидан сотиб олувчи юридик ёки жисмоний шахс;

е) корпоратив облигациялар - очиқ акциядорлик жамиятлари томонидан чиқариладиган облигациялар;

ё) **ноэмиссиявий қимматли қоғозлар** - Ўзбекистан Республикаси “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ эмиссиявий қимматли қоғозлар тушунчасига оид бўлмаган қимматли қоғозлар;

ж) **облигация** - облигация сақловчисини облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулкӣ эквивалентини облигацияни чиқарган шахсдан облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан қайд этилган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа мулкӣ ҳуқуқларини тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғоздир;

з) **такдим этувчига бўлган тегишли қимматли қоғозлар** - қимматли қоғозларни такдим этишнинг ўзи мулкӣ ҳуқуқларни амалга ошириш учун кифоя қиладиган қимматли қоғозлар;

и) **эгасининг номи ёзилган қимматли қоғозлар** - мулкӣ ҳуқуқларнинг амалга оширилиши ўз эгасининг рўйхатдан ўтказилишини талаб этадиган қимматли қоғозлардир;

й) **эмиссиявий қимматли қоғозлар** - бир маротаба чиқарилиши доирасида бир хил белгилар ва реквизитларга эга бўлган, мазкур чиқарилиш учун ягона шартлар асосида жойлаштириладиган ҳамда муомалада бўладиган қимматли қоғозлардир;

к) **эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишининг ягона давлат реестри** - рўйхатдан ўтказилган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишининг рўйхати;

л) **эмитент**- эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарувчи ва улар юзасидан қимматли қоғозларнинг эгалари олдида мажбуриятлари бўлган юридик шахс;

м) **эмитентнинг опциони** - эмитентнинг муайян миқдордаги қимматли қоғозларини опционда кўрсатилган муддатда қатъий белгиланган нархда сотиб олиш ҳуқуқини тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғоздир;

н) **қимматли қоғозлар** - ҳужжатлар бўлиб, улар бу ҳужжатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкӣ ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайди, дивидендлар ёки фоизлар тарзида

даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутди. Қимматли қоғозларнинг қиймати Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ифодаланади;

о) қимматли қоғозларга доир фьючерс - ўзида назарда тутилган муддатда муайян миқдордаги қимматли қоғозларни қатъий белгиланган нархда сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғозидир;

п) қимматли қоғозларни жойлаштириш - қимматли қоғозларни дастлабки эгаларига битимлар тузиш орқали бериш;

р) қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси - депозитарийларда депо ҳисобварақдари бўйича эмиссиявий қимматли қоғозларни сақлаш, бундай қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳаракати ягона тизимини таъминловчи давлат депозитарийсидир;

с) қимматли қоғозларнинг муомаласи - қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган қимматли қоғозлар эгасининг алмашувига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар;

т) қимматли қоғозлар номинал сақловчиси - қимматли қоғозлар эгаларининг реестрида рўйхатдан ўтказилган, қимматли қоғозларнинг эгаси бўлмаган ҳолда бошқа шахс (қимматли қоғозлар эгаси ёки у вакил қилган шахс)нинг топшириғига биноан қимматли қоғозларни сақлаш, ҳисобга олиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни тасдиқлашни амалга оширувчи депозитарий;

у) қимматли қоғозларни чиқариш — юридик шахс фуқаролик ҳуқуқларининг объекти сифатида қимматли қоғозлар пайдо бўлишига қаратилган ҳаракатлар;

ф) қимматли қоғозларнинг эгаси - қимматли қоғозлар ўзига мул ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

х) қимматли қоғозлар эгалари реестри — рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар эгаларининг белгиланган санадаги ҳолатга кўра шакллантирилган, уларга қарашли эгасининг номи ёзилган қимматли қоғозларнинг номи, миқдори, номинал қиймати ва тоифаси, шунингдек реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларга ахборотни юбориш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилган рўйхати;

ц) қимматли қоғозларнинг эмиссияси - эмиссия қимматли қоғозларини чиқариш ва жойлаштириш;

ч) қимматли қоғозларнинг эмиссия рисоласи — эмитент ва у чиқарадиган қимматли қоғозлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек инвесторнинг қимматли қоғозларни олиш тўғрисидаги қарорига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ахборотни акс эттирувчи ҳужжат;

ш) қимматли қоғозларнинг ҳосилалари - ўз эгаларининг бошқа қимматли қоғозларга нисбатан ҳуқуқлари ёки мажбуриятларини тасдиқловчи ва юридик шахслар томонидан эмитентнинг опционлари, қимматли қоғозларга доир фьючерслар ҳамда бошфа молиявий воситалар тарзида чиқариладиган қимматли қоғозлардир.

3.2. ОАТ «Агробанк»нинг эмиссия фаолиятининг мақсади ва стратегияси.

Эмиссия фаолиятини амалга оширишдан асосий мақсад - қимматли қоғозларни муомалага чиқариш орқали аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш йўли билан банк капиталини кенгайтириш ва ресурс базасини ўстириш ҳамда пассивларини диверсификациялаш ҳисобланади.

Банк эмиссия фаолиятининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги эмиссия стратегияларини қўллаши мумкин:

а) узоқ муддатли эмиссия стратегияси, яъни узоқ муддатли пассивларни шакллантириш мақсадида муомалага узоқ муддатли қимматли қоғозларни чиқариш;

б) қисқа муддатли эмиссия стратегияси, яъни қисқа муддатли пассивларни шакллантириш мақсадида муомалага қисқа муддатли қимматли қоғозларни чиқариш;

в) муддатсиз эмиссия стратегияси, яъни акцияларни муомалага чиқариш орқали ўз устав капиталини кўпайтириш.

6. Юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини қисқа ва узоқ муддатларга жалб қилиш мақсадида банк ўрнатилган тартибда қарз мажбуриятларини ифодаловчи қимматли қоғозларни муомалага чиқариши мумкин.

Банкнинг устав капитали акциядорлар томонидан сотиб олинган банк акцияларининг номинал қиймати йиғиндисидан ташкил топади. Банк ўз устав капитали ҳажмини акцияларнинг номинал қийматини ўстириш ёки уларнинг қўшимча миқдорини муомалага чиқариш йўли билан ошириши мумкин.

Қимматли қоғозларни муомалага чиқариш бўйича қарор қабул қилинишидан аввал қуйидагилар аниқлаб олинади:

а) қимматли қоғозларни муомалага чиқаришдан асосий мақсад;

б) қимматли қоғозларни муомалага чиқаришдан кутилаётган самарадорлик;

в) эмиссия қилинаётган қимматли қоғозлар муомаласи билан боғлиқ амалиёт технологияси;

г) эмиссия қилинаётган қимматли қоғозлар бозори, сармоядорлар ва уларнинг инвестиция дастурлари, бозордаги мавжуд талаб ҳамда таклифни ўрганилганлиги ёки таҳлил этилганлиги;

д) эмиссия қилинаётган қимматли қоғозларнинг муомала даври ҳамда даромад ставкаларини банкнинг узоқ ва қисқа муддатли кредитлаш стратегиялари ҳамда жалб қилинган ресурслардан самарали фойдаланиш ва кредитлар бўйича ўрнатилган фоиз ставкаларини ҳисобга олган ҳолда белгиланганлиги.

Муомалага чиқарилаётган ҳар қандай қимматли қоғоз тури бўйича эмиссия дастури пухта ва консерватив асосда ишлаб чиқилиши ҳамда унга нисбатан муътадил сиёсат қулланиши лозим. Эмиссия фаолиятини амалга ошириш орқали банк нафақат фойда, балки активлари билан биргаликда пасивларини ҳам маълум бир даражада диверсификация қилади.

Банк муомалага чиқарилаётган қимматли қоғозларни диверсификация қилиш орқали эмиссия хатарини камайтиради. Шу билан биргаликда муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар диверсификацияси банк пасивлари хавф-хатарларини пасайтириш имконини ҳам беради.

3.3. ОАТ «Агробанк»нинг фонд бозоридаги фаолиятининг таҳлили

“Агробанк” очик акциядорлик тижорат банки капиталлашув даражасини янада оширишга, банкнинг инвестиция жараёнларида, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдаги кенг иштироки билан банк-молия тизимида фаолиятини кенгайтириб, қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8-октябрдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг инвестициявий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида банкнинг эълон қилинган акциялари доирасида 50 млрд. сўмлик қўшимча акцияларининг 14-эмиссияси муомалага чиқарилди.

Бугунги кунда бу акцияларнинг жойлаштирилиши якунланмоқда.

Ҳозирги пайтда Агробанк акциядорлари 82,7 мингга етиб, улардан 18600 таси юридик, 64100 нафари жисмоний шахслар ва хусусий тадбиркорлардир.

Агробанк акциялари “Тошкент” республика фонд биржасининг “А” тоифадаги расмий листингида бўлиб, банк акцияларининг биржа котировкалари “Биржа” газетасида мунтазам эълон қилинмоқда. Бу ўз навбатида банкнинг энг ишончли ва барқарор акциядорлик жамияти эканидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини фаоллаштириш ва уларнинг иқтисодийётнинг реал сектори корхоналарини янада кучли қўллаб-қувватлашини таъминлашга қаратилган фармон ҳамда қарорлари молия муассасаларига ўз имкониятлари ва салоҳиятларини кенгроқ намойиш этиш учун шароит яратди.

Буни банкимизнинг инвестиция фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин. Ҳисобот даврида банкнинг қимматли қоғозлар портфели 15 млрд. 46 млн. сўмни ташкил этиб, йил давомида инвестиция ҳажми 7 млрд. 809 млн. сўмга ёки 208 фоизга ошди.

Тошкент вилоят Мевасабзавоттайёрловсавдо” ишлаб чиқариш корхонаси устав жамғармасини шакллантириш учун банк томонидан 25 млн. сўм, “Банклараро савдо тизими” масъулияти чекланган жамияти устав фондига эса 35 млн. сўм миқдорида инвестиция киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30-мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги Қарорларига асосан банкнинг шуъба корхонаси “Пахта-Сервис” депозитарийсининг фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида депозитарий “Агро депо инвест” компаниясига айлантирилди.

Компаниянинг устав капитали 260 млн. сўм миқдорида белгиланиб, банк томонидан компания устав фондига қўшимча равишда 151 млн. сўм инвестиция киритилди.

“Агро депо инвест” компаниясининг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция маслаҳатчиси ҳамда инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси сифатида иш юритиши учун лицензия олинди.

Қимматли қоғозлар бозори бўйича қонунчиликни такомиллаштириш борасида киритилган янгиликлар компаниянинг миқозлар базасини ҳамда фаолият доирасини кенгайтириш имконини берди.

Банк депозитларига аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини жалб этиш мақсадида 2009 йилнинг биринчи ярмида 2,5 млрд. сўмлик депозит ҳамда 500 млн. сўмлик омонат сертификатлар муомалага чиқарилди ва миқозларга тарқатилди.

Шунингдек, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини мунтазам жалб этиб боришни таъминлаш мақсадида банкнинг юридик шахслар учун 5 млрд. сўмлик, жисмоний шахслар учун 500 млн. сўмлик узоқ муддатли депозит сертификатларининг янги эмиссияси чиқарилди.

4. бўлим. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги”

АОТБ “Агробанк” да меҳнат муҳофазаси қоидаларини бажарилиши

АОТБ “Агробанк” да ёнғинга қарши чора – тадбирлари

Жамият ва табиат асоси уни ўз фаолияти билан ривожлантириши ва бошқарувчиси инсон эканлигини эътиборга олиб, унинг ҳаёт фаолиятини яхшилаш, эъзозлаш – тараққиёт йўлидаги муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан фуқароларимизнинг ҳаёт шароитини яхшилаш, уларни турли таъсирлардан сақлаш, ҳар қандай ҳолатда ҳам эҳтиёт қилиб, муҳофаза этиш асосий эзгу мақсадимиз қилиб олинган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг меҳнат муҳофазасини ҳукуқий, қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси конституцияси, Ўзбекистон Республикаси президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирликлар Маҳкамасининг қарорлари ва турли вазирликларнинг кўрсаткичлари ва буйруқларини ташкил этади.

АОТБ “Агробанк” Самарқанд вилояти бошқармасида ҳам мана шу қонун ва қарорлар асосида ходимларнинг “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” қоидаларига амал қилишлари ташкил қилингандир. Яъни:

Конституцияда энг аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўрсатилган бўлса, шу билан бир қаторда иқтисодий – ижтимоий ҳуқуқлар ҳам ҳимояланиш асоси берилган.

Юртимизда фуқаро меҳнати муҳофазасини Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги” қонуни (1993 йил, 6 май), Меҳнат кодекси (1995 йил 21 декабр) “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигини бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида Низом” (Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 6 июн, 286 – қарор) ва турли давлат стандартлари ва кўрсатмалари асосида ҳукуқий асоси яратилган.

Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги” қонун жами 5 бўлими, 29 моддадан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъий назар меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишининг

ягона таркибини белгилайди ҳамда фукароларнинг соғлиғи ва меҳнатни муҳофаза қилишни муҳофаза қилишга қаратилган.

Қонуннинг биринчи умумий қоидалар бўлимида (жами 7 модда): меҳнатни муҳофаза қилиш – бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилиши, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат – саломатлиги, иш қобилиятини сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий – иқтисодий, ташкилий, ташкилий, техникавий, санитария – гигиеник ва даволаш профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат дейилган. (2 – модда).

Меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш (2 бўлим, 8 – 15 моддалар)да меъёрий таъминлаш, муҳофаза талабларига риоя қилиш, мутахассисларни тайёрлаш, молиявий таъмилаш, иқтисодий манфаатдорлик, хавфсизлик шароитларини таъминлаш, муҳофаза хизматлари ва ижтимоий суғурта ҳақида айтилган.

Агар қонуннинг 3 бўлимида ишловчиларни меҳнатни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқларини руёбга чиқаришдаги кафолатлар (16 – 21 моддалар) келтирилган бўлса, 4 бўлимда давлат ва жамоатчилик назорати (22 – 24 моддалар) ва сўнгги 5 – бўлимда қонун ва меъёрий ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлиги кўрсатиб ўтилган. Ушбу қонундан келиб чиққан ҳолда менат кодексида тўлиқ ХИИИ боб “Меҳнатни муҳофаза қилиш” деб аталиб, ундаги талаблар 211 – 223 моддаларида кўрсатилган.

Хавфсиз ишлаш шароитини яратиш борасида йўл қўйилган ҳар қандай камчилик ёки хавфсиз ишлаш шароитини ташкил қилмаслик натижасида ишчининг бахтсиз ҳодисага учраши саноат корхонасининг ёки раҳбар ходимларнинг айби ҳисобланади. Моддий йўқотишни қоплаш миқдори ва таркиби махсус қоидалар асосида олиб борилади.

Саноат корхоналарида, ташкилотларида хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қнунлари кодексида ёзиб қўйилган.

Маъмурият таркибига раҳбар ходимлар, яъни саноат корхоналарида, ташкилотларида ташкилотчилик, маъмурий – хўжалик ишларини амалга оширувчи, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилувчи, ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган кишиларни бошқарувчи, моддий маблағларни тақсимот билан ишлатиш ва уни назорат қилиш ишларини олиб боровчи шахслар киритилади.

Маъмурият ходимларига қўйиладиган асосий талаб, улар давлат сиёсатини яхши тушунтиришлари ва уни амалга оширишга ҳаракат қилишлари, давлат ва халқ манфаатларини тушуниб амалга оширишлари, меҳнат шароити тартибини сақлай билишлари, ишчиларни меҳнат интизомини сақлаш ва ишга рағбатлантириш, иш унумини ошириш, ва даражасини бир неча 10 йил олдиндан кўра билувчи шахс бўлишлари керак.

Маъмурият зиммасига юклатиладиган мабуриятлар асосан усуллар билан маъмурият ўртасида тузиладиган меҳнат битимидан келиб чиқади. Бу меҳнат битимини тузиш мажбуриятини Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси билан белгиланган. Бу қонуният сифатида қуйидагича таҳлил қилинади. Ишчи маълум мутахассислик бўйича белгиланган ишчи корхона ички тартиб қоидаларига риоя қилган ҳолда бажариш, маъмурият эса меҳнат қилиш қонуниятига асосан ва жамоат битимида кўзда тутилган маълум миқдордаги мажбуриятлар мундарижасини ўз зиммасига олади.

Ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади, (лавозимлари жорий этилади), 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади. Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юкланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг мутахассислари барча ходимлар меҳнاتини муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрларига риоя этишларини назорат қилиш тармоқ бўлинмалари раҳбарларига аниқланган

нуқсонларни бартараф этиш ҳақида бажарилиши шарт бўлган кўрсаткичлар бериш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузаётган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақидаги корхоналарнинг раҳбарларига тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эгадир.

Баъзи бир раҳбар шахсларнинг, ишчиларнинг ўз ишига совуққонлик ва лоқайдлик билан қараши натижасида меҳнатни муҳофаза қилиш тартиб қоидалари бузилиб бахтсиз ходиса рўй беради. Бахтсиз ходисанинг оғир, енгиллиги ва оқибатини ҳисобга олиб уч хил жавобгарлик чора тадбирлари белгиланган.

Интизом (маъмурий) жавобгарлик. Ҳар бир саноат корхонаси ўз ички тартиб қоидаларини ишлаб чиқади. Бу тартиб қоидаларнинг барчаси соғлом ва ҳавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш жараёнини нормада бажаришга қаратилган.

Жноий жавобгарлик. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг қўпол бузилиши натижасида оғир жароҳатланиш ёки бир неча кишининг оғир жароҳатланиши содир бўлса ёки бахтсиз ходиса ўлим билан тугача, қоидани бузишда айланган раҳбар ходим жиноий жавобгарликка тортилади.

Моддий жавобгарлик. Бу ишчи ва хизматчилар ишлаётган корхонада унинг айби билан корхонада келтирилган моддий зарарни қоплашидир.

Бундан ташқари, саноат корхоналарининг хилма-хиллиги, ҳаттоки маълум бир корхонада ҳам иш шароити бир-бирига ўхшаш иккита сеҳни топиш амри маҳол тартибга солинган ресепт ишлаб чиқариш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ҳар бир саноат корхонаси ўзи учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган инструктажлар системаси ташкил қилинган ва бу системалар ишчиларнинг ҳавфсизлигини таъминловчи иш усуллари ўргатиш ишчининг меҳнат ҳавфсизлигини сақлаш чоратадбирларини ҳам ўз ичига олади.

Инструктажларни асосан тўрт гуруҳга бўлиб қараш мумкин. 1) кириш инструктажи; 2) иш жойидаги инстуктаж; 3) вақти-вақти билан

ўтказиладиган инструктаж ва 4) режадан ташқари инструктаж (ГОСТ 12.004-74 (МХСС)).

Саноат корхоналарининг ҳаммасида иш категорияси ва хавфли даражаси қандай бўлишига қарамай барча ишчи ва хизматчилар иш даври, мутахассислиги ва малакасидан қатъий назар инструктаждан ўтишлари шарт.

Кириш инструктажи. Ишга янги қираётганлар учун ўтказилади. Бу инструктажнинг асосий мақсади-ишга қираётганларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси тўғрисида маълумот бериш, уни саноат инструктажи яхши жиҳозланган ва кўргазмали куруллар ўрнатилган меҳнатни муҳофаза қилиш кабинетида, хавфсизлик техникаси инженери томонидан ўтказилади.

Кириш инструктажи вақтида ишга қираётган ишчи қуйидаги ҳолатлар билан таништирилиши шарт: Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш қилиш қонуниятлари асослари, саноат корхонасида йўлга қўйилган ички тартиб қоидалари, саноат корхонаси майдонида ва сеҳларида ўзини тутиш қоидалари, саноат корхонасидаги хавфсизлик техникасининг умумий талаблари, иш жойини ташкил қилиш, ишчига топширилган машина ва механизмларни саромжон ва озода сақлаш таништириш, баҳқиз ҳодисаларни олдини олиш қоидаларини тушунтириш бунда асосий диққат эътиборини ҳар хил эритувчилар, кислоталар, енгил алангаланувчи суюқликлар, сиқилган ҳаво, электр токи хавфи мавжуд бўлган сеҳларга қаратиш керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоида, норма ва инструкцияларининг бузилиши натижасида вужудга келган баҳқиз ҳодисалар ҳақида маълумотлар берилиши керак. Баҳқиз ҳодиса рўй берганда ўзини қандай тутиш айтиб ўтилиши шарт. Кийим бош, махсус оёқ кийим ва шахсий муҳофаза воситаларидан фойдаланиш қоидалари, санитар-гигиена шароитларига эътибор бериш, санитар маиший хоналардан фойдаланиш тартиби, баҳқиз ҳодиса рўй

берганди, бахциз ҳодисага учраган кишига врач келгунга қадар кўрсатиш усуллари ҳақида маълумот берилади.

Иш жойидаги инструктаж. Ишга янги кирган, бир ишдан иккинчи ишга ўтказилган, бир машинадан иккинчи машинага, бир участкадан иккинчи участкага ўтказилган, агар бу ўтказушлар вақтинча бўлишидан қатъий назар иш жойидаги инструктаждан ўтказилиши шарт.

Иш жойидаги инструктажда қўйдагилар тушунтирилиши керак: ишчининг доимий ишлаш жойи, сеҳдаги технологик жараён ва хавфли участкалар ишчининг доимий ишлаши зарур бўлган машинанинг ёки станокнинг тузилиши, машинанинг хавфли жойлари, муҳофаза қурилмалари ва бошқа сақловчи воситалар, уларнинг вазифаси ва улардан фойдаланиш қоидалари. Ишгатайёрланиш қоидалари, станокнинг созланганлигини текшириш, юргизиш ўчириш асбобларининг ишлаши, станокнинг ерга уланганлиги, ёрдамчи ва асосий қурулларнинг мавжудлиги. Шахсий муҳофаза асҳаларининг вазифалари ва улардан фойдаланиш қоидалари, иш кийимлари, махсус кийимлар, оёқ кийимлари ва бош кийимларга қўйиладиган талаблар.

Иш жойини ташкил қилиш бунда материал ва тайёр маҳсулотларни жойлаштириш, иш жойларини ифлос ва кераксиз нарсалар билан тўлиб кетишига йўл қўймаслик, йўллар, ўтиш жойлари ва иш жойларини тўсиб қўймаслик .

Транспорт воситалари, кўтариш қранлари ва механизмлари ишлатиш қоидалари ва бошқа ёрдамчи воситалардан фойдаланувчи тартиблари.

Бахциз ҳодисалар келиб чиқиши мумкин бўлган иш усулларини қўллашни тақиқлаш ва касб касалликларига олиб келиши мумкин бўлган саноат зарарли моддалари ҳақида тушунча бериш ва улардан сақланиш усулларини кўрсатиш.

Инструктаж ўтказаётганда аввало одатдаги иш шароитида ишчи ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида маълумот берилади. Лекин саноат корхоналарида баъзи бир ҳаддан ташқари ҳолатлар ҳам юз бериб қолиши

мумкин. Маслан авария, ёнғин ва бошқа ҳолларда ишчи ўзини қандай тутиши, тез ҳаракат қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун мана шундай ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш кераклиги ҳақида ҳам маълумот берилиши керак.

Вақти-вақти билан ўтказиладиган инструктаж. Бу инструктажни ўтказиш вақтини фабрика, завод касабаси уюшмаси комитетлари билан келишган ҳолда, саноат корхонасининг раҳбари белгилайди. Бу инструктажнинг мазмуни иш жойидаги инструктаж мазмуни билан бир хил. Инструктажи сингари ҳамма ишчилар иш стажига, малакаси, разрядидан қатъий назар ўтказилиши шарт.

Режадан ташқари инструктаж. Бу инструктаж технологик жараёнинг ўзгариши, янги машина ва станоклар киритилиши ва янги материаллардан фойдаланиш натижасида иш шароитининг ўзгариши сабабли ишчиларнинг хавфсизлиги сақлаш учун билимлари етишмаслиги сезилганда ўтказилиши мумкин.

Шу саноат корхонасига ўхшаш корхонада авария сабабли бахциз ҳодиса бўлиб берганлиги ҳақида хабар эшитилгандан кейин ҳам, режадан ташқари инструктаж ўтказилади.

Кундалик инструктаж. Наряд-допуск билан бажариладиган хавфли ишлар учун иш бошлашдан олдин ўтказилади. Бу инструктаж ўтказилганлиги ҳақидаги маълумот наряд-допускка қўйилади.

Ёнғин хавфсизлиги ва уни ўчириш

Йонувчи модда билан ҳаводаги кислороднинг ўзаро таъсири натижасида жуда тез кечувчи ва кўп миқдорда иссиқлик ажралиб чиқувчи кимёвий реакция ёниш дейилади. Кўп ҳолларда ёниш ёнувчи модда заррачаларининг нурланиши билан бирга кечади. Ёнғин ҳосил бўлиши ва давом этиши учун ёнувчи модда (қаттиқ, суюқ ёки газсимон), оксидловчи модда (оддий шароитда оксидловчи модда вазифасини ҳаводаги кислород ўташи мумкин) ва ёндирувчи манба (учқун, очиқ аланга ва чўғланган нарса) мавжуд бўлиши керак. Шунини айтиш кўраки, ҳаводаги кислород миқдори

15% дан юқори бўлганидагина оксидловчи вазифани бажара олади, ундан паст концентрацияда эса ёниш содир бўлмайди. Бундан ташқари, оксидловчи модда вазифасини тегишли шароитда хлор, бром, калий ва бошқа моддалар ҳам ўташи мумкин.

Хавфлилиги бўйича барча модда ва ашёларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин: ёнмайдиган, ёниш ёки ёниш ва портлаш хавфи мавжуд ҳамда портлаш хавфи мавжуд моддалар.

Ёниш фақат маълум ҳарорат шароитидагина мавжуд бўлиши мумкин. Барча ёнувчи моддаларнинг таркибида углерод ва водород мавжуд. Иссиқлик таъсири остида ёнувчи моддалар парчаланиб юқоридаги газлар ажралиб чиққач, ҳаводаги кислород билан бирикиб аланга ҳосил қилади. Ёниш фазаларининг қуйидаги хиллари аниқланган.

1. чакнаш. Агар аста-секин қиздириладиган ёнувчи суюқликка вақти-вақти билан ташқаридан аланга таъсир қилдирсак, маълум бир ҳароратга етганда, ундан ажралиб чиқаётган газсимон маҳсулот чакнайди ва шу заҳотиёқ ўчиб қолади. Суюқликнинг ана шу пайтдаги ҳарорати чакнаш ҳарорати дейилади. Чакнаган газларнинг тез ўчиб қолишининг сабаби, бу ҳароратда суюқликдан ажралиб чиқаётган газлар алангани давом эттириш учун етарли эмаслигидир.

Чакнаш ҳарорати моддаларнинг ёнғин жиҳатидан хавфлилигини аниқлашда катта аҳамиятга эга. Айрим моддалардан ажралиб чиқувчи буғ ва газлар кўп миқдорда йиғлиши натижасида очик аланга билан бирикиб кучли портлаш пайдо қилиши мумкин.

2. Алангаланиш. Суюқ ёнувчи моддаларни қиздириш чакнаш ҳароратидан юқорида ҳам давом эттирилса, унинг буғланиши жадаллашади ва шундай бир вақт келадикки, унга аланга яқинлаштирилса чакнаётган буғлар чакнайди ва ёнишда давом этади. Суюқликнинг шу ҳолатидаги ҳарорати алангаланиш ҳарорати деб аталади.

3. Ўз-ўзидан алангаланиш. Агар ёнувчи суюқликни алангалаш ҳароратидан юқори бўлган ҳолатда ҳам қиздирилиш давом эттирилса-ю,

лекин очик аланга яқинлаштирилмаса, маълум бир вақтда ажралиб чиқаётган буғлар ўз-ўзидан алангаланиб кетади. Йонувчи суюқликнинг ана шу ҳолатидаги ҳарорати ўз-ўзидан алангаланиш ҳарорати дейилади.

4. Ўз-ўзидан ёниб кетиш. Айрим ёнувчи каттик моддалар нотоғри сақланса ўз-ўзидан ёниб кетиши мумкин. Масалан, нам ҳолда ғарамланган похол, пахта, тошкўмир, мой артилган латта ва бошқалар. Ўз-ўзидан ёниш жараёни маълум ҳароратдагина рўй бериши мумкин.

Каттик моддалар ёнаётганда қисмларига ёндош қисмларнинг қизиши ва ўз навбатида улардан ёнувчи газлар ажралиб чиқиши ҳамда уларнинг ҳам ёна бошлаши натижасида узлуксиз занжир реакцияси кетади. Бу жараён бирон-бир ўсувчи олимга учрамаса ёнувчи модда ёпниб тамом бўлгунча давом этади.

Ёнувчи суюқ моддаларнинг чакнаш ҳарорати 45°C га тенг ёки ундан кичик бўлса, углерод сульфид, спиртлар ва бошқалар мисол бўлса олади. чакнаш ҳарорати 45°C дан юқори бўлганлари эса ёнувчи суюқликлар дейилади. Чакнаш меъёрлари ва қоидалари 11.3–70 да келтирилиши бўйича ёнғиндан муҳофаза қилиш илмий текшириш институтининг тавсиясига биноан енгил ёнувчи суюқликларга чакнаш ҳарорати 61°C га тенг ва ундан паст бўлганларни, ёнувчи суюқликларга эса 61°C дан юқориарини киритиш белгиланган.

Газларда эса газнинг ҳар бир молекуласи кислороднинг молекулалари билан бевосита контакда бўлиш мумкинлиги ва улар вақтнинг ўзида оксидланиш жараёнига тайёр бўлганлиги учун, ёниш жараёни катта тезликда кечади. Ёнувчи модда бўйлаб аланганинг тарқалиш тезлиги секундига бир неча метрни ташкил этса – портлаш, бир неча километрни ташкил этса – детонация деб аталади.

Газ ва буғларнинг ҳаво билан аралашмасининг ёниш ва портлаш хавфи, аланганинг тарқалиш ҳароратидан ташқари уларнинг ҳаводаги концентрацияси чегараси (буғлар учун) билан ҳарактерланади.

Портлашнинг концентрация чегараси деб, ёпиқ тигел чиқишида ёнувчи газ ва буғларнинг ҳаводаги миқдори ташқи аланга таъсири остида алангаланиб кета оладиган миқдорга айтилади.

Ҳаво билан тўлдирилган берк идиш олиб, унга маълум миқдорда ёнувчи газ ёки буғ қушиб борамиз ва ҳар гал уни ёқиб кўрамиз. Газнинг миқдори кам бўлганда алангаланмайди, яъни идиш ичидаги босим атмосфера босимига тенглигича қолаверади.

Ҳар бир ёнувчи модданинг буғлари, газлари ҳамда чанглари ўзининг пастки ҳамда юқориги портлаш чегаралари қийматига эга. Ёнувчи чанглар ва толаларнинг пастки портлаш чегараси 65 г/м^3 дан юқори бўлса, улар юқори хавфли бўлган чанглар ҳисобланади. Суюқликлар буғлари учун ҳам портлашнинг ҳарорат чегаралари пастки ва юқориги қийматларга эга.

Ёнувчи суюқликларнинг газ ва буғларнинг ҳаво билан аралашмасини юқорида кўрсатилган чегараларидан ташқари қийматларида ҳеч қандай манба билан алангалатиб бўлмайди. Масалан, ацетон тўйинган буғлари учун портлашнинг пастки ҳарорат чегараси – 20°C , юқоригиси 7°C , углевод сульфит учун тегишлича – 14°C ва 7°C .

5. Газлар ва чангнинг ёниши. Ёнувчи газлар ҳаво билан бирикиб портлаш жиҳатидан хавфли аралашмани ҳосил қилиши мумкин, шу сабабли улар портлаш жиҳатидан хавфли моддалартоифасига киради. Газ – ҳаво аралашмасининг хавфлилиқ даражаси уларнинг аланга олиш ҳарорати ва портлашнинг миқдорий чегараларига қараб баҳоланади. Газлар барқарор ёнаётганда ҳарорат 1400°C гача, портлашда эса 2000°C гача кўрсатилиши, босими 10^5 па га етиши мумкин.

Ёнувчи газларнинг, шунингдек суюқлик буғларининг портлашига қарши кураш тадбирларини тўғри ташкил қилиш учун уларнинг ҳаво бўйича зичлигини билиш зарур, чунки ҳаво бўйича зичлиги бирдан кичик бўлган газлар хонанинг юқори қисмида, зичлиги бирдан катта бўлгани эса хонанинг пастки қисмида, куруқ, ўра хандакларда тўпланади.

6. Ишлаб чиқаришдаги аланга олиш манбалари. Ёнувчи ашёларнинг аанга олишига ва ёнувчи аралашмаларнинг портлашига сабаб бўлуви иссиқлик манбалари ўзининг иссиқлик жамғармалари ва уларнинг юзага келиш сабабларига кўра турли – туман бўлса–да, аммо уларнинг барчаси қандайдир энергия ёки кимёвий реакцияларда иссиқлик чиқиши ёки ютилишининг натижасидир. Очiq аланга, чуғланган ёниш маҳсуллари, учкунлар иссиқлик чиқадиган кимёвий реакциялар, аланга олиш манбаи турли хил горелкалар, кавшанлаш лампалари, электр ёйлари, иситиш печлари, электр токида ва газ алангасида пайвандлаш жараёнлари, чекиш учун ёқилган гугурт очiq аланга манбаи бўлиши мумкин. Очiq аланга манбаининг ва иссиқлик энергияси жамғармасининг ҳарорати дярли ҳамма ёнувчи моддалар ва ҳар қандай газ – ҳаво ҳамда буғ – ҳаво аралашмаларининг аланга олиши учун етарлидир.

Ёнғин даврида қилинадиган ишлар ва уни ўчириш

Ёниш жараёни тўхташ учун оксидланиш – тикланиш экзотермик занжир реакцияси тзилиши керак. Бу реакцияда тўхташнинг физик ҳамда – кимёвий усуллари қўлланилади. Физик усуллари: алангани ёнувчи модда юзасидан узиб ташлаш, ёнувчи модда юзаси ҳароратини алангаланиш ҳароратидан пасайтириш, оксидловчи модда концентрациясини камайитириш ва ёнувчи модда билан оксидловчини бир – биридан ихоталаш. Кимёвий усуллар: ёниш реакциясини тормозлаш ҳисобига амалга оширилади.

Ўт ўчириш воситалари асосан уч турга бўлинади.

1) ёнишни тугатиш усули бўйича – совитувчи, аралаштирувчи ихоталовчи, ингибитритлаштирувчи;

2) электр ўтказувчанлиги бўйича – электр токини ўтказувчи Электр токини ўтказмайдиган:

3) заҳарлилиги бўйича – заҳарли, кам заҳарли, заҳарсиз.

Сув ўтни ўчиришда энг кенг тарқалган моддадир. Ўзининг қуйидаги хусусиятлари туфайли ўтни ўчиришда энг афзал ҳисобланади. Иссиқлик сиғими катта, ёнаётган газга тушганда унинг иссиқлик сиғими катта,

ёнаётган юзага тушганда унинг иссилигини ютиб олди. Юқори ҳароратли юзаларга тушган сув тезда буғланади. Буғланиш натижасида унинг ҳажми 1700 марта ортади ва вақтинча ёнаётган юзани камраб олиб, ҳаводаги кислород миқдорини камайтиради. Сувнинг юзаларини ҳўллаш хусусияти ёнғиннинг тарқалмаслиги учун ёнаётган моддаларнинг тирқиш ва тешикларига тезда кириб, уларни совитади.

Пахта толаси ёнаётганда сув билан учуриш самара бермайди. Ёнаётган пахта толаларини сув тўла ҳовузга ташлаб, бир ҳақтадан сўнг олингач ҳам тутай бошлаган ҳоллари кузатилган. Бунинг сабаби, сувнинг сирт таранглиги кичик бўлишига қарамай жуда кичик тирқишларга, масалан, пахта толаси, пахта чанги юзаларидаги тирқишларга кира олмайди. Уларнинг атрофи сув билан қопланган бўлишига қарамай, толанинг ички қисми чўгланишда давом этаверади. Шунинг учун пахта ёнганда уни ўчуриш учун сирт таранглигини камайтириш мақсадида ҳўлловчи моддалар қўшилади. Бу тадбир сув сарфини 2 – 2,5 марта ва ўт ўчуриш вақтини 20 – 30 % га камайтиради. Кенг тарқалган ОР - 1 ҳўлловчи моддасидан сув оғирлигига кўра 3,5 – 4 миқдор ёки “некла” ХБ ҳўлловчи 0,7 – 0,8 миқдор қўшилади.

Сўнгги йилларда сув нефт маҳсулотларини ҳам ўчуришда ишлатилмоқда. Ёнғин бўлаётган юзаларга у майда заррачалар ҳолида сепилади. Бу майда (0,1 – 0,5 мм катталиқдаги) томчилар тезда бўлинади ва буғланади ва буғланаётган суюқлик юзасини қамраб олиб кислородни ўтказмайди. Шунингдек, сув охириги пайтларда ўт ўчуришда кенг қўлланилаётган ҳаво – механик кўприк ҳосил қилишда ҳам ишлатилади.

Ўт ўчуришда сувнинг салбий хусусиятларидан бири электр токини ўтказувчанлигидир. Бу кучланиш остида бўлган ускуналарни ўчуриш имкониятини бермайди. Бундан ташқари, сув айрим моддалар билан кимёвий реакцияга киришиб парчаланади. Парчаланиш натижасида ажралиб чиқадиган водород портлаши мумкин, кислород эса ёнишни кучайтиради. Шунингдек, сув билан калций карбонатни ҳам ўчуриб бўлмайди, чунки унга сув текканда ёнувчи газ – атцелитин ажратиб чиқади.

Хулоса ва таклифлар

Айни пайтда республикамизда қимматли қоғозлар эгаларининг сони 1 миллиондан ошганлиги, бозорда 100 дан ортиқ профессионал хизматлар кўрсатиш учун берилган лицензиялар сони ҳамда қимматли қоғозлар билан тузилган битимларнинг жами ҳажми 2010 йил якунлари бўйича 1,6 триллион сўмдан ошганлиги ва бунинг асосий қисми тижорат банклари улушига тўғри келганлиги каби кўрсаткичлар фонд бозоримизда тижорат банкларининг ўрни тобора ривожланиб бораётганлигидан далолат беради. 2011 йилнинг ҳозирги вақтигача қимматли қоғозлар билан тузилган битимларнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,8 фоизга, иккиламчи бозор айланмаси эса 1,7 мартага ўсган. Жорий йилнинг 1 апрел ҳолатида жами чиқарилган қимматли қоғозларнинг умумий қиймати 6,9 триллион сўмни ташкил қилади. Охирги йилларда ушбу кўрсаткич ўртача 20 фоизга ўсиши кузатилмоқда.

Бироқ, бугунги кунда мамлакатимиз миллий қимматли қоғозлар бозори ривожланиб бораётганлиги баробарида, соҳанинг янада самаралироқ ривожланишида тўсиқ бўлаётган муаммолар мавжуд. Ушбу муаммолар ва уларнинг ривожлантириш истиқболларини қўйидаги беш гуруҳга бўлишимиз мумкин: ҳуқуқий- норматив, ташкилиш, моддий-техник, иқтисодий ва ижтимоий.

1. Ҳуқуқий-норматив. Маълумки, ҳар қандай фаолият учун зарурий шарт-шароитлар нигизини ҳуқуқий асослар ташкил этади. Республика қимматли қоғозлар бозорини асосан иккита қонун “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва 100 га яқин қонун ости ҳужжатлари тартибга солади. Бироқ, амалиётда уларнинг баъзиларида ўзаро номунофиқликлар мавжуд бўлиб, қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари орасида айрим пайтларда тушинмовчиликлар келтириб чиқармоқда. Шу маънода қимматли қоғозлар бозорига доир

қонунчиликни ислох қилишни давр талаб қилмоқда. Бу ҳақда хусусан мамлакатимиз раҳбарининг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис парламенти палаталарининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқоралик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” номли маърузасида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунини янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари, ва жавобгарликларини янада аниқ белгилаш лозимлигига эътибор қаратди. Мавжуд муаммо ва тўсиқларни бартараф этишга ҳам тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар амалиёти натижасида эришилади.

2. Ташкилий. Аҳоли ва тадбиркорларнинг ушбу бозорда янада фаол иштирок этишлари учун республика ҳудудларида зарур шароитлар яратилмаганлиги, бозорнинг ахборот таъминоти, жумладан, қимматли қоғозлар ва уларнинг чиқарган эмитентлар ҳақидаги маълумотлар етарлича ва тезкор ошкор этилиши ташкил этилмаганлиги, рентабеллиги юқори бўлган компаниялар акциялари кўринишидаги қимматли қоғозлар ресурсларининг етишмаслиги каби ташкилий муаммолар бугунги кун қимматли қоғозлар бозорида тадбиркорларнинг янада эркин фаолият кўрсатишига доир самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва ташкил этишни тақазо қилмоқда.
3. Моддий-техник. Бугунги кунда қимматли қоғозлар бозори иштирокчиси Республика “Тошкент” фонд биржаси, профессионал иштирокчилари ҳисобланадиган депозитарийлар, “Элсис-клиринг” ҳисоб-китоб палатаси ва инвестицион воситачи (брокер ва диллер)лар ўз фаолияти жараёнида турли хилдаги дастурий таъминотлардан фойдаланиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида иштирокчилар ўртасида

маълумот ва қимматли қозозлар алмашинуви ва ҳаракатини секинлаштириб, тизимда катта харажатлар ва вақт талаб этмоқда. Фонд бозори ривожланган давлатларда ушбу бозор иштирокчилари ягона дастурий таъминотдан фойдаланиши бу тизимни онлайн тартибида ишлаш имконини беради ва маълумотлар ва қимматли қоғозлар ҳаракати юқори суръатларда амалга оширилиши кам вақт ва харажат талаб этади. Бу борада мамлакатимизда ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Кория Республикасининг Корея Эхчанге, Инк фонд биржаси ўртасида амалга оширилаётган ҳамкорликни эътироф этиш лозим.

4. Иқтисодий. Шуни такидлаб ўтиш керакки, мамлакат фонд бозорини ривожлантириш ва унга инвесторларни жалб қилишда муҳим иқтисодий омиллардан бири соҳада амалга ошириладиган операцияларга олинадиган хизмат ҳақлари, яъни тарифлардир. Ҳозирда қимматли қоғозлар бозори иштирокчисилари томонидан қимматли қоғозлар билан боғлиқ олди-сотдиси жараёнида олинадиган устама ҳақлари баъзи эмитентлар ва инвесторлар қатламини ушбу бозорга жалб қилишга тўсқинлик қилмоқда. Шу нуқтаи назардан, фонд бозорини янада лебераллаштириш ва унга кўп сонли инвесторлар ва тадбиркорлар жалб қилиш мақсадида тарифлар тизимини кийинги пайтларда янада соддалаштирилиб ва устама ҳақлари камайтирилиб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг апрел ойидан бошлаб, Республика “Тошкент” фонд биржасида акциялар буйича олинадиган тарифлар акциялар умумий қиймати 1 фоиздан 0,5 фоизгача камайтирилганлиги ва биржадан ташқари битимлар орқали депозитарийлар томонидан акцияларни бирламчи жойлаштириш жараёнида қўлланиладиган тарифларни ҳам камайтирилганлигини таъкидлаш мумкин.

5. Ижтимоий. Қимматли қоғозлар бозори алоҳида молиявий бозор сифатида эндиғини ривожланиб бораётганлиғи ва бу бозор ҳақида аҳолининг маълум қатлами яхши тасаввурга эга эмаслиғи соҳанинг янада ривожланишига тўсқинлик қилаётган омиллардан биридир. Бу борада энг муҳим жиҳат- аҳоли, хусусан, тадбиркорлар ўртасида фонд бозорига даҳлдор бўлган барча маълумотларни кенг тарғиб қилиш, уларнинг ҳуқуқий-иқтисодий савиясини ошириш, ушбу бозор профессионал иштирокчиларининг малакасини оширишга эътибор берилиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни хулоса қилишимиз мумкинки, қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари активлиғини кенгайтириш, унга инвесторларни жалб қилиш учун ҳар томонлама қулай шароитлар, имтиёзлар яратиш ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Ушбу бозорда мазкур шарт шароитларнинг яратилиши соҳа фаолиятида инвесторлар учун қўшимча даромад манбаига айланиб бормоқда ва профессионал иштирокчи сифатида тижорат банклари учун қимматли қоғозлар чиқариш фаолияти орқали қўшимча капитал жалб қилувчи эмитент сифатидаги ўрни янада кенгайиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни. Т.: -1995й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. Т.: -1996й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида” ги Қонуни 2005 й
4. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни.-Т.: 1996 й
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чор-тадбирлар тўғрисида”ги 2010 йил 19 апрелдаги Қарори.
6. И.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
8. И. Каримов «Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир». Т.: Ўзбекистон. 2010й.
9. И. Каримов “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида” Ўзбекистон. 2005.
10. Абдуллаева Ш.З. “Банк иши” ўқув қўлланма Т.: - 2005.
11. Абдуллаева Ш.З. “Пул, кредит ва банклар” Т.: - 2007.
12. Б.Ходиев ва бошқалар.Ўз.Р.Президентининг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ва «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. «Иқтисодиёт»Т. :2010й.
13. Банки и банковское дело Под. ред. И.Т. Балабанова СПб Питер. Санкт Питербур.: -2007
14. Банк аудити. Маъруза матни -Т.: ТМИ, 2005й.
15. Бонарев В.В. Финансовый анализ. - СПб: Питер 2007й.
16. Муругова И. А. Операционная техника и учет в банках. Учебное пособие. -Т.: - 2004
17. Наврузова К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника-Т.: ТМИ -2003й.
18. Наврузова К.Н.,Ортиқов О.А. Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими Т.: - ТМИ 2005 й.
19. Наврузова К.Н. ва бошқалар. Банк ҳисоби. Фан ва технологиялар Т.: 2006 й.

20. Наврузова К.Н., Қуллиев И. Я. Марказий банкда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш асослари Т.: -ИҚТИСОД-МОЛИЯ.- 2007 й.
21. «Янги ҳисоботлар тизими тўғрисида»ги Марказий банкнинг 2006 йил 8 февралдаги № 8 йўриқномаси

Қўшимча адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўз.Р. В.М.нинг 2009 йил якунлари ва республикани 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга бағишланган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 2010 йил 14 февраль
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бухгалтерия ҳисобининг ҳисоб-варақалар режаси. Тошкент 2006 йил
3. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси. Тошкент 2005 йил (2006-2010 йилдаги ўзгаришлари билан).
4. Ўзбекистон Республикасида «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш ҳақида»ги 11/22-сонли Низом. 2002 йил, 12 январь. (2002-2009 йилдаги ўзгаришлари билан).
5. “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритишни ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 3 майдаги 11/5-сонли қарори билан тасдиқланган 1834-сонли йўриқнома
6. “Банкларда касса операциялари ҳисобини юритиш” қоидалари. 2006 йил июль
7. “Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2009 йил 13 декабрдаги 28-4 сонли Қарори билан тасдиқланган Йўриқнома
8. “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақалари тўғрисида”ги 1-сонли йўриқнома. 2009й. 16 март 7/2-сонли қарори билан тасдиқланган. (Адлия Вазирлигида 2009 йил 27-апрелда давлат рўйхатидан ўтказилган.)
9. “Тижорат банкларида касса ишини ташкил қилиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир” йўриқнома. Рўйхат рақами 1831, 2009 йил 27 июнь, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2009 йил, 26-27-сон.
10. “Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом. Рўйхат рақами -1545, 2006 йил 14 феврал

11. Интернет сайтлари:


vvv.stat.uz

vvv.bir.uz

vvv.ker.uz

vvv.nbuv.com

**«Агробанк» очик акционерлик тижорат банки қимматли
қоғозларининг эмиссия жараёни**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ
30.03.2009 йил
Н ПҚ – 1084
“Агробанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш
тўғрисида**

Иқтисодиётни аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қуллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш мақсадида:

1. "Пахтабанк" акциядорлик тижорат банки акциядорларининг уни "Агробанк" акциядорлик тижорат банки этиб қайта ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, "Агробанк" АТБ очик турдаги акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилинади ҳамда мулкый, молиявий ва бошқа мажбуриятлар бўйича, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари сақланиши ва ўз вақтида қайтарилишини кафолатловчи талаблар бўйича "Пахтабанк" АТБнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар "Агробанк" АТБнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларига кредит бериш ва комплекс тарздаги банк хизматлари кўрсатиш;

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, шу жумладан, пахта ва ғалла маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш саноати корхоналарига кредит бериш ва молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, агросаноат комплекси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга, замонавий чет эл технологиялари ва ускуналарини жалб этишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шу асосда юқори сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан барқарор тўлдириш;

банкнинг шахсий ресурсларини сафарбар қилиш, омонатлар ва депозитларнинг янги жозибадор турларини таклиф этиш йўли билан аҳоли ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш, улардан самарали, шу жумладан, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда самарали фойдаланиш, қўйилган маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

халқаро молия институтлари ва етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ва грантларини жалб этиб, кейинчалик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари ва республика иқтисодиёти агросаноат сектори корхоналарини ана шу маблағлар ҳисобига қайта молиялаштириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда "Агробанк" акциядорлик тижорат банкига банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш учун халқаро молия институтлари ва хорижий молия-кредит тузилмаларининг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этишда ёрдам кўрсатсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда

“Агробанк” АТБ Кенгашининг таркибини тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.Каримов